



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
QARSHI MUHANDISLIK-IQTISODIYOT INSTITUTI
IQTISODIYOT FAKULTETI
“BUXGALTERIYA HISOB VA AUDIT”
KAFEDRASI


“HIMOYAGA TAVSIYA ETILADI”

“Buxgalteriya hisobi va audit” kafedrası
mudiri dots. O. Xushmuradov
“12” 06 2013 yil



“O'zbekiston Respublikasi Aholi bandligiga ko'maklashuvchi davlat jamg'armasi,
uning shakllanishi va ishlatilishi”
(Qashqadaryo viloyati Moliya boshqarmasi misolida) mavzusidagi

BITIRUV MALAKAVIY
ISHI



BAJARDI: “Moliya ” ta'lim
yo'nalishi bitiruvchi IV kurs
M-41 guruh talabasi O. Yaxshiboyev
Yaxshiboyev Otabek
Jumanazarovich

ILMIY RAHBAR:
Qarshi tuman hokimining iqtisodiy
va ijtimoiy masalasi bo'yicha
muovini Temirov N.

Bitiruv malakaviy ishi kafedrada dastlabki himoyadan o'tdi
16 sonli bayonnoma “12” 06 2013 y.

Qarshi – 2013 yil

**ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ
БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИГА ТОПШИРИҚ**

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Кафедра мудири 
« 11 » 01 2012 й.

Талаба: Яхшибоев Отабек

Таълим йўналиши: Молия

Битирув малакавий ишнинг мавзуси: “Ўзбекистон Республикаси Аҳоли бандлигига кўмаклашувчи давлат жамғармаси, унинг шаклланиши ва ишлатилиши.

1.Битирув малакавий иши олди амалиёти ўтилган жой: Қашқадарё вилояти Молия бошқармаси мисолида.

2.Битирув малакавий ишнинг раҳбари: Қарши тумани ҳокимининг иқтисодий ва ижтимоий масалаласи бўйича муовини Темиров Н.

3.Битирув малакавий ишнинг мақсади: бозор иқтисодиёти шароитида Ўзбекистон Республикаси Аҳолини иш бандлигига кўмаклашувчи давлат жамғармаси, унинг шаклланишига оид назарий ва амалий маълумотлардан, Республика меҳнат бозорининг натижаларига асосланган ҳолда Қашқадарё вилояти меҳнат бозорини тадқиқ этиш, унинг асосий жиҳатларини, мавжуд муаммоларнинг ҳал этилишини аниқлаш ва кўрсатиш, шунингдек, амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

4.Иш режаси:

Битирув малакавий иши бўлими	Битирув малакавий иши бўлими номи	Бажариш муддати
I Боб	Бандлик ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш урганилади	25.10.2012- 30.11.2012
II Боб	Қашқадарё вилояти Молия бошқармасининг ижтимоий-иқтисодий фаолияти таҳлил қилинади	1.12.2012- 30.03.2013
III Боб	Ўзбекистон Республикасида аҳоли бандлигини таъминлаш тартибини такомиллаштириш йўллари ёритилади	1.04.2013- 15.05.2013
Хулоса ва таклифлар	Аҳолини иш билан таъминлашни такомиллаштириш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар берилади	16.05.2013- 1.06.2013

5.Битирув малакавий ишини бажариш учун зарур бўлган материаллар:

а) **Адабиёт манбалари:** Республикаимиз Президенти асарларида, етакчи иқтисодчи олимлар ва мутахассисларнинг ушбу мавзуга оид илмий ишларида илгари сурилган ғоялар, фикр ва мушоҳадалар ва интернет сайтлари маълумотлари.

б) **қонуний-меъёрий ҳужжатлар:** Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари Қашқадарё вилояти Молия бошқармаси меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари.

в) **статистик ва бошқа маълумотлар:** йиллик статистик ахборотномалар.

6. Тасвирлаш материаллари: расм, чизма ва жадваллар.

7. Топшириқ берилган кун: 25.10.2012 йил

8. Ишни топшириш муддати: 01.06.2013 йил

9.Илмий раҳбар: Қарши тумани ҳокимининг иқтисодий ва ижтимоий масалаласи бўйича муовини Темиров Н. 

“ 11 ” 06

2013 йил

**ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ
“ИҚТИСОДИЁТ” ФАКУЛЬТЕТИ**

5340600-“Молия” таълим йўналиши

Яхшибоев Отабекнинг

битирув малакавий ишига

ТАҚРИЗ

Малакавий иш мавзуси: “Ўзбекистон Республикаси Аҳоли бандлигига кўмаклашувчи давлат жамғармаси, унинг шаклланиши ва ишлатилиши (Қашқадарё вилояти молия бошқармаси мисолида).

Малакавий иш мавзусининг долзарблиги ва топшириққа мослиги. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида жамият миқёсида макроиқтисодий бекарорлик вазияти пайдо бўлиб, аҳоли фаровонлиги ва иқтисодиётнинг барча соҳаларига ўз таъсирини ўтказди. Бу ҳолат муҳим ва давлат аҳамияти учун зарур бўлган йирик макроиқтисодий муаммоларни келтириб чиқаради. Бу муаммоларнинг ҳал этилиши бандлик тизимини қамраб олган меҳнат бозори фаолиятига боғлиқ бўлиб, унда ишсизлик, аҳоли иш билан таъминлаш ва янги иш ўринлари яратиш каби макромикёсдаги муаммоларнинг ҳал этилиши ётади.

Малакавий ишнинг ёзма изох ва график материалларининг таркиби ва бажарилиш сифати. Иш кириш, 3 боб, хулоса ва таклифлар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати қисмидан иборат бўлиб, у расм, жадваллар ва улар асосидаги таҳлиллар билан янада бойитилган.

Малакавий ишда илмий манбалар, фан-техника ютуқлари ва илғор тажриба натижаларидан фойдаланганлиги. Ишда Республикамиз Президенти асарларида, етакчи иқтисодчи олимлар ва мутахассисларнинг ушбу мавзуга оид илмий ишларида илгари сурилган ғоялар, фикр ва мушоҳадалардан фойдаланилган. Шунингдек, мазкур илмий тадқиқотни амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, аҳоли бандлигига кўмаклашишга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва интернет сайтлари маълумотлари кенг фойдаланилган.

Малакавий ишнинг ижобий томонлари ва камчиликлари. Ишнинг амалий аҳамияти шундаки, баён қилинган фикр-мулоҳазалар, хулоса ва таклифлардан иқтисодий олий ўқув юртларида аҳоли бандлигига алоқадор фанларни ўқитишда фойдаланилиши мумкин.

Битирув малакавий ишнинг баҳоси (максимал 100-балл) ва хулоса: Битирув малакавий ишини 86 балл билан баҳолайман ва уни келгуси химояга тавсия этаман.

Такризчи:



Қарши шаҳар молия
бўлими бюджет бўлими
бошлиғи Жумаев Ғ.

“ 11 ”

06

2013 йил

**ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ
ИҚТИСОДИЁТ ФАКУЛЬТЕТИ**

5340600-“Молия” _____ таълим йўналиши
Яхшибоев Отабекнинг _____ битирув малакавий ишига

ТА Қ Р И З

Малакавий иш мавзуси: Ўзбекистон Республикаси Аҳоли бандлигига кўмаклашувчи давлат жамғармаси, унинг шаклланиши ва ишлатилиши (Қашқадарё вилояти Молия бошқармаси мисолида).

Малакавий ишнинг ҳажми 102 саҳифа

А) ёзма изоҳ қисми 97 саҳифа

В) график қисми 5 та 5 жадвал, - та расм

Малакавий иш мавзусининг долзарблиги ва берилган топшириққа мослиги. Меҳнат бозори, унинг ҳолати тўла даражада тадқиқ этилмаган, унинг таркиби, механизми, унга таъсир этувчи омиллар, унинг барча даврлардаги доимий ва ҳаракатдаги ҳолатига оид амалий тавсиялар беришни тақозо этади. Шунинг учун ҳам ушбу мавзу долзарбдир.

Малакавий ишнинг ёзма, изоҳ ва график материалларнинг таркиби ва бажарилиши сифати. Иш кириш, 3 боб, хулоса ва таклифлар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати қисмидан иборат бўлиб, у расм, жадваллар ва улар асосидаги таҳлиллар билан янада бойитилган.

Малакавий ишда илмий манбалар, фан техника ютуқлари ва илғор тажриба натижаларидан фойдаланилганлиги. Ишда Республикамиз Президенти асарларида, етакчи иқтисодчи олимлар ва мутахассисларнинг ушбу мавзуга оид илмий ишларида илгари сурилган ғоялар, фикр ва мушоҳадалардан фойдаланилган. Шунингдек, мазкур илмий тадқиқотни амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, интернет сайтлари маълумотлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлардан кенг фойдаланилган.

Малакавий ишнинг ижобий томонлари. Иш билан таъминлаш жамғармасининг ривожланиш хусусиятлари ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан баҳо берилди; давлатнинг бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалари моҳияти, тарихи ва таснифи ёритилди; Ўзбекистон Республикаси Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби кўрсаткичларига баҳо берилди.

Малакавий иш баҳоси (максимал баҳо-100)

86 балл

Малакавий иш раҳбари:

Қарши тумани ҳокимининг иқтисодий
ва ижтимоий масалаласи бўйича
муовини Темиров Н.



“ 12 ” 06 _____ 2013 йил

МУНДАРИЖА:

КИРИШ

I-Боб. Бандлик ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш.

1.1. Давлатнинг бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалари моҳияти, тарихи ва таснифи.

1.2. Ўзбекистон Республикаси Аҳоли бандлигига кўмаклашувчи давлат жамғармасининг асосий вазифалари ва уларни амалга ошириш.

1.3. Ўзбекистон Республикаси Аҳоли бандлигига кўмаклашувчи давлат жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби.

II-Боб. Қашқадарё вилояти Молия бошқармасининг ижтимоий-иқтисодий фаолияти таҳлили .

2.1. Қашқадарё вилояти Молия бошқармасининг ҳозирги давр амалиёти фаолияти таҳлили.

2.2. Аҳоли бандлигига кўмаклашувчи давлат жамғармаси даромадлари прогнозини кўриб чиқиш ва келишиш ҳамда унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби.

III-Боб. Ўзбекистон Республикасида аҳоли бандлигини таъминлаш тартибини такомиллаштириш.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

ИЛОВАЛАР.

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида жамият миқёсида макроиқтисодий беқарорлик вазияти пайдо бўлиб, аҳоли фаравонлиги ва иқтисодиётнинг барча соҳаларига ўз таъсирини ўтказди. Бу ҳолат муҳим ва давлат аҳамияти учун зарур бўлган йирик макроиқтисодий муаммоларни келтириб чиқаради. Бу муаммоларнинг ҳал этилиши бандлик тизимини қамраб олган меҳнат бозори фаолиятига боғлиқ бўлиб, унда ишсизлик, аҳолини иш билан таъминлаш ва янги иш ўринлари яратиш каби макромиқёсдаги муаммоларнинг ҳал этилиши ётади.

Ҳозирги кундаги асосий устувор вазифа ҳам меҳнат бозоридаги бандлик муаммоларнинг ҳал этилишидир. Чунки, бугунги шароит аҳоли бандлигини, қишлоқда ортиқча меҳнат ресурсларини бўшатиш ва уларни иқтисодиётнинг бозор муносабатлари тақозосига кўра ўзлаш-тирилган турлари ва тармоқларига жалб қилиш, улардан самарали фойдаланиш қайта кўриб чиқишни талаб қилади».¹

Бугунги кунда аҳоли сонининг, меҳнатга лаёқатли аҳоли сонининг салмоқли ошиб бориши кўшимча иш ўринларининг яратилиши, аҳоли бандлигини таъминлаш ва оширишнинг ўзига хос янги шакллари излаб топишни зарурий қилиб қўяди. Шунинг учун ҳам, кўп йиллардан буён меҳнат бозоридаги ушбу бандлик муаммоларни ечиш, ҳал этиш ва бутунлай бартараф этиш бутун жаҳон мамлакатларининг олдида асосий вазифа бўлиб туради. Чунки, йирик бир катта ижтимоий соҳа ҳисобланади ва бозор иқтисодиёти мавжуд экан, улардан ўта салбий таъсирлиси ишсизлик муаммоси мавжуд бўлади. Яъни, уни ҳал этиш биринчи навбатда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш билан боғлиқдир.

Бизнинг республикамызда ҳам меҳнат бозори таркибидаги мавжуд муаммолар, шу жумладан, Қашқадарё вилояти миқёсида ҳам мавжуд, уни ҳал этиш эса устувор вазифа ҳисобланади. Меҳнат бозори, унинг ҳолати тўла даражада тадқиқ этилмаган, унинг таркиби, механизми, унга таъсир этувчи омиллар, унинг барча даврлардаги доимий ва ҳаракатдаги ҳолати юқоридагилар асосида амалий тавсиялар беришни тақозо этади. Бундан ташқари, ўзига хос демографик ва географик, экологик, ижтимоий-иқтисодий ривожланишга эга бўлган Қашқадарё вилояти мисолида меҳнат бозорини ҳар томонлама чуқур, комплекс таҳлил этиш, унинг имкониятлари, захиралари, ривожланиш истикболларини кўрсатиш, башорат этиш бўйича чуқур илмий тадқиқотлар ўтказилмаган ёки улар қисман амалга оширилган. Шунинг учун ҳам ушбу мавзу долзарбдир.

Битирув малакавий ишининг мақсади: Бозор иқтисодиёти шароитида Ўзбекистон Республикаси Аҳолини иш бандлигига кўмаклашувчи давлат жамғармаси, унинг шаклланишига оид назарий ва амалий маълумотлардан, Республика меҳнат бозорининг натижаларига асосланган ҳолда Қашқадарё вилояти меҳнат бозорини тадқиқ этиш, унинг асосий жиҳатларини, мавжуд муаммоларнинг ҳал этилишини аниқлаш ва кўрсатиш, шунингдек, амалий

¹ Каримов И. А. Қишлоқ хўжалиги тараққиёти-тўкин ҳаёт манбаи. Тошкент: Ўзбекистон, 1998 йил. 8-бет.

таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Бунинг учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш белгиланди:

1. Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат бозорининг зарурияти ва иқтисодиётда тутган ўрнини кўрсатиш ва объектив баҳо бериш;
2. Меҳнат бозори фаолиятига таъсир этувчи омиллар ва уларнинг турларини таснифлаш ва гуруҳларга ажратиб ўрганиш;
3. Меҳнат бозори фаолиятининг асосий кўрсаткичларини ёритиш ва уларни ижтимоий-иқтисодий баҳолаш;
4. Меҳнат бозорини тартибга солишнинг хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва хусусиятларини ёритиш;
5. Республикамизда меҳнат бозорини тартибга солишнинг муҳим жиҳатларини ёритиш;
6. Ўзбекистон Республикасида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазиролиги фаолиятини ёритиш;
7. Вилоят меҳнат ресурслари, уларнинг тақсимланишини кўрсатиш, назарий баҳолаш ва таҳлил этиш;

Битирув малакавий ишининг объекти сифатида Қашқадарё Вилояти Молия бошқармаси фаолияти ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг предмети қилиб эса вилоят меҳнат бозорининг шаклланиши ва ривожланиши олинди.

Битирув малакавий ишининг назарий ва услубий асослари бўлиб республикамиз Президенти асарларида, етакчи иқтисодчи олимлар ва мутахассисларнинг ушбу мавзуга оид илмий ишларида илгари сурилган ғоялар, фикр ва мушоҳадалар хизмат қилади. Шунингдек, мазкур илмий тадқиқотни амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлардан кенг фойдаланилган.

Битирув малакавий ишининг илмий ва амалий аҳамияти шундаки, унда келтирилган материаллардан Қашқадарё вилояти «Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» бошқармасида ҳар йиллик бозорини тузиб чиқишда, шунингдек, бандликка кўмаклашувчи марказларда, бевосита олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, «Меҳнат иқтисодиёти», «Минтақавий иқтисодиёти», «Макроиқтисодиёт» каби фанларни ўқитишда фойдаланишлари мумкин.

Битирув малакавий ишининг илмий янгиликлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

✓ Иш билан таъминлаш жамғармасининг ривожланиш хусусиятлари ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан баҳо берилди;

✓ Давлатнинг бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалари моҳияти, тарихи ва таснифи ёритилди;

✓ Ўзбекистон Республикаси Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби кўрсаткичларига баҳо берилди;

✓ Қашқадарё вилояти Молия бошқармасининг ҳозирги давр амалиёти фаолияти таҳлил қилинди ва унинг фаолиятини такомиллаштириш бўйича тавсиялар берилди;

✓ Ўзбекистон Республикасида меҳнат бозорининг ҳозирги ҳолати ва минтакавий хусусиятлари ёритилди.

Битирув малакавий ишининг таркибий тузилиши куйидагича: кириш, асосий қисмда 3 та боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалар.

I-Боб. Бандлик ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш.

1.1. Давлатнинг бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалари моҳияти, тарихи ва таснифи.

Бюджетдан ташқари жамғармалар - 1) бу бюджетдан алоҳида ташкил этиладиган, мақсадли характерга эга бўлган, умумдават ёки маҳаллий аҳамиятга эга тадбирларни молиялаштириш учун мўлжалланган мустақил молия муассасаларининг тизими; 2) давлат томонидан баъзи ижтимоий эҳтиёжлар учун мустақил равишда комплекс сарфланадиган жалб этилаётган молиявий ресурсларни қайта тақсимлаш ва ишлатиш шакли.

Бюджетдан ташқари жамғармалар бюджет пайдо бўлишидан анча аввал вужудга келган. Уларнинг пайдо бўлиши давлат фаолиятининг кенгайишига янги харажатлар ва тегишли равишда уларни амалга оширишга зарур бўлган қўшимча маблағлар билан боғлиқ. Давлат жамғармаларининг сони доим ўзгариб турган, улар асосан вақтинчалик хусусиятга эга, махсус жамғармалар ёки алоҳида ҳисоб варақлар кўринишида бўлган ва уларни бошқариш учун қўшимча маблағлар талаб этилган.

Энг қадимги бюджетдан ташқари жамғармаларга қадимги дунёда Хитой, Ҳиндистон, Миср, Қадимги Греция ва Қадимги Римда пайдо бўлган хайрия жамғармаларини киритиш мумкин. Ислом дунёсида "вақф" жамғармалари шакллантирилган, арабчадан таржимада у "фуқаролар муомаласидан чиқарилган ва давлат томонидан диний ёки хайрия мақсадларида фойдаланиладиган мулк"ни англатади. Кейинчалик бу жамғармалар ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, мафкуравий ва бошқа функцияларни бажара бошлаган.

Марказлаштирилган давлатчиликнинг мустаҳкамланиши кўп сонли махсус жамғармалар бир хиллаштирилишига олиб келди, кейинчалик улар давлат бюджетига жамланди (XVII аср охири).

Ижтимоий ривожланиш жараёнида бюджетдан ташқари жамғармаларни ташкил этиш давлатлар ўз функция ва вазифаларини тўлиқ адо этиш мақсадида амалга оширилмоқда. Масалан, XIX аср охирида Германия канцлери Отто фон Бисмарк томонидан жаҳонда биринчи ижтимоий суғурта тизими яратилди, у дунёнинг турли мамлакатларида кенг тарқалди ва пенсия жамғармалари тузилишига асос бўлган авлодларнинг биргаликда жавобгарлиги принципига асосланди.

1929-1933 йиллардаги жаҳон иқтисодий инқироzi даврида давлатларда, иқтисодий ривожланишга таъсирни кенгайтириш заруратидан келиб чиқиб, бюджетдан ташқари пул маблағларига эга қўшимча жамғармаларни ташкил этишга

эҳтиёж пайдо бўлди. Бу даврда иқтисодий кўмаклашув ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш (аҳолининг алоҳида ижтимоий гуруҳлари манфаатларини ҳимоя қилиш учун) давлат бюджетдан ташқари жамғармалари пайдо бўлди.

Ҳозирги шароитларда давлат бюджетдан ташқари жамғармаларининг актуаллиги сақланиб қолмоқда, айниқса ўтиш даври иқтисодиётига эга мамлакатларда ва иқтисодий тангликлар даврида, чунки:

- бу жамғармалар бюджет билан биргаликда давлатнинг иқтисодиётга аралашувига имкон беради ва тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашни таъминлайди;
- бюджетдан ташқари жамғармаларнинг мақсадли характери ва мақсади уларнинг маблағларидан самарали фойдаланишни давлат томонидан назорат қилишни енгиллаштиради;
- маълум бир ҳолларда (фаол сальдо мавжудлиги) жамғармаларнинг маблағлари бюджет тақчиллигини қоплаш учун жалб қилиниши мумкин.

Бюджетдан ташқари жамғармалар қатъий белгиланган мақсадга, автоном бошқарувга эга бўлади ва бюджетдан алоҳида, шу даврда алоҳида аҳамиятга эга бўлган, харажатларни ажратиш асосида ёки жамғармаларга шахсий даромадлар манбаларини бириктириш асосида шакллантирилиши мумкин.

Давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармалари қуйидаги белгиларга кўра **таснифланади:**

- 1) **бошқарув даражасига кўра** (умумдавлат, республика, ҳудудий);
- 2) **амал қилиши муддатига кўра** (доимий, вақтинчалик - ўзига юкланган вазифаларни бажариши билан ўз фаолиятини тўхтатади);
- 3) **шакллантириш усулларига кўра** (бюджетдан алоҳида, муҳим аҳамиятга эга харажатларни ажратиш, жамғармаларга шахсий даромадлар манбаларини бириктириш);
- 4) **функционал мақсадига кўра** (ижтимоий, шахсий ва мулк суғуртаси, иқтисодий, кредит, илмий-тадқиқот, инвестицион, экологик, ҳарбий-сиёсий, давлатлараро ва бошқалар).

Бюджетдан ташқари жамғармаларни шакллантириш **манбалари:** юридик ва жисмоний шахсларнинг бадаллари; бюджетдан ажратмалар; тушумлар (лотерея, йўлланмалар учун тўловлар ва бошқалар); жамғарманинг вақтинчалик бўш турган пул маблағларини инвестициялашдан тушган даромадлар (молия бозорида иштирок этиш); банк кредитлари; мажбурий бадалларни белгиланган вақтда тўламаганлик учун пеня ва жарима суммалари; юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари (эҳсон, ҳадя).

Маблағларни сарфлаш йўналишлари жамғармаларнинг мақсадлари, иқтисодий шарт-шароитлар, мақсадли дастурларнинг мазмунига боғлиқ (масалан, йўл жамғармасининг маблағлари автойўлларни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлашга, йўл инфратузилмаси объектларини молиялаштиришга йўналтирилади).

Республикада бозор иқтисодиётига ўтиш ўта ноқулай шароитда бошланди (инқироз иқтисодиётнинг кўпчилик соҳа ва тармоқларига зарар етказган, аҳолининг турмуш даражаси пасайган эди), молиявий ресурсларнинг чекланганлиги уни янада мураккаблаштирди. Бу борада давлат ижтимоий ва иқтисодий соҳаларни барқарорлаштириш бўйича муҳим вазифалар бажарилишини таъминлаш учун Ўзбекистон мақсадли бюджетдан ташқари жамғармаларни шакллантира бошлади.

Ўзбекистонда 1992 йилда давлатнинг 6 та бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалари алоҳида вазифаларни ҳал этиш мақсадида ташкил этилди:

Аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси - ишчи кучининг бандлигини таъминлаш ва ишсизлик юзасидан мавжуд муаммоларни ҳал қилиш учун;

Минерал ресурсларни тиклаш жамғармаси - ўз минерал-хом-ашё базасини ривожлантириш учун;

Республика йўл жамғармаси - Ўзбекистон ҳудудида автотранспорт коммуникацияларини сақлаб туриш ва ривожлантириш бўйича муаммоларни ҳал қилиш мақсадида;

Ўздавжамғарма - макроиқтисодий вазифаларни ҳал қилиш учун;

Ижтимоий суғурта жамғармаси - ижтимоий таъминот ва ижтимоий суғурта учун;

Касаба уюшмалари кенгашлари Федерацияси жамғармаси - меҳнаткашлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вазифаларни ҳал қилиш учун.

1995 йилдан бошлаб давлат бюджетида давлат бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларининг маблағлари жамланди ва уларни сарфлашнинг мақсадлилиги сақланиб қолаётди. Бу чора барча давлат маблағлари давлатнинг фискал органлари назорати остида жамланишига олиб келади.

1998 йилда давлат бюджетининг "Мақсадли жамғармалар даромадлари" ва "Мақсадли жамғармалар харажатлари" деб номланувчи махсус бўлимларида маблағларни акс этувчи, бюджетда жамланувчи бюджетдан ташқари жамғармалар сони тўрттагача камайди. Шу қолган тўрт жамғарма 2000 йилда қабул қилинган "Бюджет тизими тўғрисида" Ўзбекистон Республикасининг 279 Қонунига мувофиқ

Давлат бюджети таркибида жамланувчи **давлат мақсадли жамғармалари** мақомига эга бўлди. Булар:¹

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси;
- Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш давлат кўмитасининг махсус ҳисоб варағи;
- Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси.
- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси.

Қонун ҳужжатлари билан уларнинг ҳар бири бўйича маблағларнинг манбалари, ҳар бир манбадан маблағлар тушуми меъёрлари ва шартлари, шунингдек ушбу маблағларни ишлатиш мақсадлари белгилаб қўйилган.

Давлат мақсадли жамғармаларини тузиш, жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Давлат мақсадли жамғармалари - давлатнинг алоҳида харажатларини молиялаштириш учун ва мамлакатнинг бюджет тизими таркибида жамланадиган маблағлар тушуми ва мақсадли ишлатилиши устидан давлат назоратини таъминлаш мақсадида амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ шакллантириладиган жамғармалар.

¹Жамғармаларнинг номлари Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 23 майдаги ЎРҚ-2-сон Қонуни таҳририда кўрсатилган.

1.2. Ўзбекистон Республикаси Аҳоли бандлигига кўмаклашувчи давлат жамғармасининг асосий вазифалари ва уларни амалга ошириш.

Аҳолини иш билан таъминлаш соҳасида давлат сиёсатини ва туман (шаҳар) иш билан таъминлаш марказларининг самарали фаолиятини амалга ошириш бўйича тадбирларни молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш вазирлиги таркибида Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонуни² ва Вазирлар Маҳкамасининг Қарорига мувофиқ 1993 йилда Иш билан таъминлаш жамғармаси ташкил этилди ва унинг фаолияти "Ўзбекистон Республикаси Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида Низом"³ билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикасининг "Бюджет тизими тўғрисида"ги 2000 14 декабрь Қонунига биноан иш билан таъминлашга кўмаклашувчи жамғарма давлат мақсадли жамғармаси мақомига эга бўлди.

Иш билан таъминлаш жамғармаси давлат бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаси ҳисобланади. У маҳаллий ва республика даражасида ташкил этилади. Жамғарма маблағлари уларни шакллантириш ва улардан фойдаланишнинг мақсадли йўналтирилганлиги сақланган ҳолда Давлат бюджети таркибида жамланади ва Жамғарманинг мустақил балансида акс эттирилади. Қуйидагилар Иш билан таъминлаш жамғармасининг **асосий вазифалари** ҳисобланади:

ишсизларни моддий қўллаб-қувватлаш юзасидан давлат кафолатларини амалга ошириш;

Бандликка кўмаклашиш марказлари таъминотини молиялаштириш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш;

тижорат банкларида кредит линиялари очиш йўли билан иш ўринларини сақлаб қолиш ва янги иш ўринлари ташкил этиш учун кредитлар бериш;

фуқароларни ишга жойлаштириш, меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари бўйича меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, социологик кузатувлар ўтказиш билан боғлиқ харажатларни маблағ билан таъминлаш.

Кўрсатиб ўтилган вазифаларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва унинг жойлардаги органлари:

иш берувчиларнинг мажбурий ажратмаларини Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаларининг бюджетдан ташқари мақсадли махсус ҳисоб рақамларида жамлайдилар;

Иш билан таъминлаш жамғармаси маблағларидан ишсизлик нафақаларини, ишсиз фуқароларга моддий ёрдамни ва қонун ҳужжатларида кўрсатилган бошқа тўловларни ўз вақтида тайинлайдилар, молиялаштирадилар ва тўлайдилар;

² "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 1998 йил 1 майда тасдиқланган янги таҳрири (616-1-сон Қонун).

³ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 апрелдаги 173-сон қарорига 1-илова "Ўзбекистон Республикаси Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида Низом".

Иш билан таъминлаш жамғармаси маблағларидан қонун ҳужжатларига мувофиқ қатъий мақсадли фойдаланадилар;

ишсизларни ижтимоий муҳофаза қилиш тизимининг барқарорлигини таъминлаш ва уни янада такомиллаштириш учун олдини олувчи чора-тадбирларни ишлаб чиқиш мақсадида Иш билан таъминлаш жамғармасининг молиявий аҳволини прогнозлаш бўйича актуар ҳисоб-китобларни амалга оширадилар;

мажбурий ажратмалар миқдорларини белгилаш тўғрисида таклифлар тайёрлайдилар;

Иш билан таъминлаш жамғармасининг келгуси йил учун даромадлари манбалари ва улардан фойдаланиш йўналишлари прогнози лойиҳасини ишлаб чиқадиладар ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этадилар;

Иш билан таъминлаш жамғармаси бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳар ойлик ҳисоботларни, шунингдек йилига бир марта Иш билан таъминлаш жамғармаси даромадлари ва улардан фойдаланишнинг аҳволи тўғрисидаги мустақил аудиторлик текшируви натижаларини тайёрлайдилар ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига белгиланган тартибда тақдим этадилар;

Иш билан таъминлаш жамғармаси вазифаларини амалга ошириш учун зарур бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз ваколатлари доирасида ишлаб чиқадиладар;

жойлардаги давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда иш билан таъминлаш ҳудудий дастурларини амалга оширишда, ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этишда қатнашадилар;

мажбурий ажратмалар ва тўловларнинг тўғри ҳисобланишини ва ўз вақтида Иш билан таъминлаш жамғармасига тўлиқ тўланишини ҳисобга оладиладар ва назорат қиладиладар;

иш берувчилар томонидан мажбурий ажратмалар ва тўловлар тўғри ҳисоблаб чиқилишини, шунингдек амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Иш билан таъминлаш жамғармаси билан ўзаро ҳисоб-китобларнинг аҳволини текширадиладар;

қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбурий ажратмаларни ҳисоблаб чиқариш тартибини ва тўлов муддатларини бузганлик учун мансабдор шахсларга нисбатан молиявий ва маъмурий чоралар қўлладиладар;

Иш билан таъминлаш жамғармасининг тўлов субъектлари ва молиялаштириш объектлари бўйича тўлиқ ҳисоб-китобни ва электрон маълумотлар базаси юритилишини таъминлайдиладар.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Иш билан таъминлаш жамғармасига тааллуқли масалалар бўйича халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан белгиланган тартибда ҳамкорлик қилади.

Иш берувчилар:

мажбурий тўловларни қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда ва тартибда ҳисоблаб чиқариш ва Иш билан таъминлаш жамғармасига тўлашга;

Иш билан таъминлаш жамғармасининг кредитлашга, ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этишга, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишсиз деб тан олинган шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга ажратилган маблағларини сарфлашнинг мақсадли йўналтирилишига қатъий риоя этилишини таъминлашга;

Иш билан таъминлаш жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўлаш бўйича белгиланган шаклдаги ҳисоботларнинг ишончилигини ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлашга мажбурдирлар.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги зиммасига аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатиш ва ногиронларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш

вазифаси юклатилган. Бу борада вазирлик томонидан ёлғиз кекса фуқаролар, ногиронлар ва давлатнинг қўллаб-қувватлашига муҳтож бўлган бошқа аҳоли гуруҳларига ижтимоий маиший хизмат кўрсатишни ташкил этиш, ногиронларни касб-хунар-техника таълимига ўргатиш ва уларни қайта ўқитиш, берилган буюртманомаларга мувофиқ ҳаракатланишнинг маҳсулот воситалари, ишлаб чиқариш ва маиший тусдаги мосламалар, ногиронларни реабилитация қилиш ва уларни парваришланишнинг бошқа техник воситаларини ишлаб чиқариш учун буюртмалар бериш, ногиронларни протез-ортопедия буюмлари ва ҳаракатланиш воситалари билан таъминлаш сингари ишлар ҳам кенг йўлга қўйилган.

Президентимизнинг 2011 йил 30 майдаги **“2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги Қарорига асосан ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз фуқароларга уйда ижтимоий ёрдам кўрсатиш учун ёлғиз фуқароларнинг шахсий рўйхатлари туман (шаҳар) Бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари томонидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари иштирокида аниқланиб, рўйхатга олинади ва туман (шаҳар) ҳокимлари томонидан тасдиқланиб, Қарорда белгиланган чора-тадбирлар дастури доирасида тиббий-ижтимоий ёрдам ва ижтимоий хизмат кўрсатилади.

Меҳнат бозорида банд бўлмаган аҳолига, ишсизларга, коллежлар битирувчиларига, муддатли ҳарбий хизматдан бўшатишган шахсларга, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар натижасида ишини йўқотган фуқароларга, ногиронларга, оилавий шароитига кўра ишламайдиган аёлларга хизматлар кўрсатиш бўйича вазирлик томонидан аниқ манзилли комплекс чоралар амалга оширилмоқда.

2012 йил январь-июнь ойларида Бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари томонидан бўш ва янги ташкил этилган иш ўринларига 313,8 минг нафар одам ишга жойлаштирилди. Уларнинг 135,7 минг нафари аёллар, 225,2 минг нафари кишлоқ туманларида яшовчи аҳолидир. Ишга жойлаштирилганлар Фарғона вилоятида 42,0 минг киши, Самарқанд вилоятида 33,8 минг, Андижон вилоятида 34,4 минг, Тошкент вилоятида 28,3 минг, Қашқадарё вилоятида 26,5 минг, Наманган вилоятида 23,9 минг кишини ва Қорақалпоғистон Республикасида 21,0 минг нафарни ташкил этди.

Иш қидираётган фуқаролар учун мақбул келадиган иш топиш муддатини қисқартириш мақсадида 768 марта бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилиб, уларда 36,7 минг нафар иш берувчилар вакиллари иштирок этди. Ярмаркалар натижасига кўра, 100,4 минг нафар шахс ишга йўлланма олди, 159,8 минг нафарига меҳнат, бандлик ва ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича маслаҳатлар берилди.

Ишсизларнинг меҳнат бозоридаги рақобатга бардошлилигини кучайтириш ва иш билан таъминлаш мақсадида ишсиз фуқаролар иқтисодиётда талаб қилинаётган мутахассисликлар бўйича касбга тайёрланди ва қайта тайёрланди. Уларнинг аксарияти тузилган шартномалар асосида базавий коллежларда тикувчилик, тўқувчилик, электрик, пайвандчилик, бўёқчилик, сувоқчилик, компьютер техникаси оператори сингари меҳнат бозорида талаб қилинаётган касблар бўйича ўқитилди. Ишсиз фуқаролар “Усто-шогирд” анъанаси асосида миллий хунармандчиликнинг гилам тўқиш, ганчкорлик, теридан, дарахтдан ва темирдан бадиий маҳсулотлар тайёрлаш, миллий қандолатчилик сингари хунарларнинг сир-асрорларини эгаллашди.

Бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари томонидан, 2012 йилнинг 1-ярмида ишсиз фуқаролар ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилди. Аҳоли яшаш пунктларини ободонлаштириш, автомобиль-шоссе йўллари ва

инфратузилма объектларини қуриш ва таъмирлаш, мелиоратив ишларни амалга ошириш сингари жамоат ишларида вақтинча ишсиз фуқаролар банд бўлдилар.

Жорий йил мобайнида иш ўринлари ташкил этишнинг тасдиқланган параметрлари ижросини таъминлаш мақсадида дастурлар бажарилишининг вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, тармоқлар ва аниқ объектлар бўйича тизимли мониторинги юритилди ва ҳар ойда муҳокама қилиб борилди.

Тезкор маълумотларга кўра, 2012 йилнинг январь-июнь ойларида республика бўйича 510,5 мингта иш ўрни яратилди, дастур ижроси 105,5 фоизга таъминланди. Аниқ рақамлар билан айтганда:

28,9 мингта иш ўрни — янги йирик корхоналар ташкил этиш, фаолият юритаётган, биринчи навбатда саноатдаги корхоналарни кенгайтириш ва реконструкция қилиш ҳисобига (дастурга нисбатан — 113,6 фоиз);

185,7 мингтаси — кичик корхоналар ва микрофирмалар ташкил этиш ҳисобига (103,5 фоиз);

58,9 мингтаси — яқка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига (103,9 фоиз);

38,6 мингтаси — ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларида, автомобиль йўллари ва темир йўл қурилиши ҳамда реконструкцияси соҳаси, транспорт ва коммуникация қурилиши, аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишлари, бозор инфратузилмасини ривожлантириш ҳисобига (108,9 фоиз);

122,5 мингтаси — касаначиликнинг барча шакллари янада ривожлантириш ҳисобига (105,0 фоиз);

6,8 мингтаси — ишламасдан турган корхоналарнинг фаолиятини тиклаш ҳисобига (108,9 фоиз);

69,8 мингтаси — паррандачилик, балиқчилик ва асаларичиликни ривожлантириш ҳисобига (108,4 фоиз) ташкил этилгани яққол кўринади.

Худудлар кесимида энг кўп иш жойлари аҳоли зич жойлашган Фарғона (47,8 минг), Андижон (41,1 минг), Наманган (38,6 минг) вилоятларида ҳамда меҳнат бозорида эҳтиёж юқори бўлган худудларда, жумладан, Самарқанд (50,9 минг), Қашқадарё (46,3 минг), Тошкент (45,7 минг), Бухоро (39,8 минг) вилоятлари ва Тошкент шаҳрида (45,1 минг) яратилди.

Корхоналарда янги қурилиш, реконструкция ишларини олиб бориш, уларни модернизациялаш ва қайта қурулантириш ҳисобига инвестицион, тармоқ, махсус дастурлар ижросини таъминлаш ҳисобига янги иш жойлари яратиш ва шу асосда, аҳолини иш билан таъминлаш устувор йўналиш бўлиб қолди.

Янги йирик ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, мавжуд қувватларни модернизациялаш ва кенгайтириш ҳисобига 28,9 мингта иш ўрни яратилди. Бунга инвестиция, маҳаллийлаштириш ва тармоқларни ривожлантириш дастурларига мувофиқ ишга туширилган мингдан ортиқ ишлаб чиқариш корхоналари ва қувватлари имкон берди.

Тармоқ вазирликлари, хўжалик бирлашмалари ва йирик корхоналарда январь-июнь ойларида 15,8 мингдан ортиқ иш ўрни ташкил этилган. Янги иш ўринлари яратишда “Ўзбекенгилсаноат” (4,1 мингта иш ўрни), “Ўзбекэнерго” (0,9 мингта), “Ўзбекистон темир йўллари” (0,6 мингта) компаниялари ва “GM Uzbekistan” (98 та), “Навоий кон металлургия комбинати” (293 та) корхоналарининг ҳиссаси катта бўлди.

Оилавий тадбиркорлик, ҳунармандчилик ва халқ амалий санъатини тарғиб этиш ҳамда қўллаб-қувватлаш натижасида 88,5 минг иш ўрни ташкил этилган. Қишлоқ ва маҳаллаларда 5 минг нафар касби йўқ ёшлар усто-шогирд анъаналари асосида касб-ҳунарга ўргатилди ва уларнинг бандлиги таъминланди.

Қишлоқ жойларида иш ўринларини кўпайтиришда чорвачилик, паррандачилик, боғдорчилик ва деҳқончилик соҳаларини ривожлантириш, соҳага интенсив технологияларни жорий этиш ҳисобига янги иш ўринлари ташкил этилмоқда. Шу жумладан, фермер

хўжаликларида полиз, сабзавот, сут ҳамда гўшт маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлашни ташкил этиш, совутиш камералари қуриш каби тадбирлар 3,8 минг нафар кишини меҳнат фаолиятига жалб этиш имконини берди.

Инқирозга қарши чоралар дастурига мувофиқ инфратузилма объектлари, ободонлаштириш ишлари, йўллар, намунавий уй-жойлар қурилиши сингари соҳаларда 38,6 минг нафар ишсизларнинг бандлиги таъминланди. Миллий автомагистрал участкалари қурилиши ва таъмирланиши, йўллар ёқасида кўплаб инфратузилма ва сервис мажмуалари ишга туширилиши, янги темир йўллар ётқизилгани, намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жойлар ва кўплаб ижтимоий объектлар қурилиши иш ўринларини ташкил этишга замин яратди.

Ишламасдан турган корхоналарнинг, шу жумладан, тижорат банклари балансига олинган банкрот корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятини тиклаш натижасида 6,8 мингдан зиёд иш ўрни яратилди. Бунда иқтисодий ночор корхоналарни банklar балансига ўтказиб, соғломлаштириш тадбирлари катта самара берди. Аниқ рақамлар билан айтганда, банklarга берилган 156 та корхонада ишлаб чиқариш фаолияти тўлиқ тикланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 ноябрдаги “**Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элларда меҳнат фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**”ги қарорига мувофиқ Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузурида Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги ҳамда Фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича хўжалик ҳисобидаги Тошкент, Бухоро, Нукус, Фарғона ва Қарши шаҳарларида минтақавий бюролар ташкил этилган. Агентлик ва минтақавий бюроларнинг асосий вазифаси хорижий мамлакатларнинг мутасадди вазирлик ва ваколатли идоралари билан Ўзбекистон Республикаси фуқароларини чет элларда ишга жойлаштириш ва касб-ҳунар ўргатиш соҳасида ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, хорижий ҳамкорлар билан биргаликда мамлакатимиз вакиллариининг меҳнат фаолиятини ташкил қилишдан иборатдир.

1.3. Ўзбекистон Республикаси Аҳоли бандлигига кўмаклашувчи давлат жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби.

Иш билан таъминлаш жамғармаси даромадлари прогнозини кўриб чиқиш ва келишиш ҳамда унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда ва муддатларда ҳар йили, лекин жорий йилнинг биринчи июлидан кечикмай келгуси йил учун Иш билан таъминлаш жамғармаси даромадлари манбалари ва унинг маблағларидан фойдаланиш йўналишлари бўйича прогнозни Молия вазирлигига кўриб чиқиш учун тақдим этади, ушбу прогноз:

- даромадлар манбалари бўйича маблағларнинг ўтган йилда ва жорий йилнинг биринчи ярим йилида ҳудудлар бўйича ҳақиқий тушумини;

- Иш билан таъминлаш жамғармасига ажратмалар ва йиғимлар бўйича молиявий ҳисобот йили охирида иш берувчиларнинг ҳудудлар бўйича кредиторлик қарзларини;
- ўтган йилда ва жорий йилнинг биринчи ярим йилида Иш билан таъминлаш жамғармаси маблағларидан тасдиқланган прогнозлар билан таққослаганда ҳудудлар бўйича мақсадли фойдаланилишини;
- ўтган йилда ходимлар сони ва иш ҳақининг ўсиш суръатини эътиборга олган ҳолда ҳисобланган иш ҳақи фонди прогнозини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади.

- Молия вазирлиги тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш чоғида Иш билан таъминлаш жамғармасига келгуси йил учун мажбурий ажратмалар ва йиғимлар ставкаларининг прогноз қилинадиган ўзгаришини ва макроиқтисодий кўрсаткичлар таъсирини ҳисобга олади. Иш билан таъминлаш жамғармаси даромадлари ва унинг маблағларидан фойдаланишнинг кўриб чиқилган ва келишилган прогнози келгуси йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети параметрлари таркибида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилади.

- Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети Олий Мажлис томонидан қабул қилингандан сўнг, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг бюджет параметрлари тўғрисидаги қарорига биноан, Молия вазирлиги Иш билан таъминлаш жамғармасининг келгуси йил учун даромадлари ва унинг маблағларидан фойдаланишнинг тасдиқланган асосий параметрларини ўн кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига етказди.

- Иш билан таъминлаш жамғармасининг тасдиқланган бюджет кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва унинг жойлардаги бўлинмалари томонидан қуйидагиларни амалга ошириш орқали бажарилади: Иш билан таъминлаш жамғармаси даромадлари ва харажатларининг тасдиқланган прогноз кўрсаткичлари бажарилишини; иш берувчилардан мажбурий ажратмалар, жарималар ва пеняларнинг тўлиқ йиғилиши ва тушишини; Иш билан таъминлаш жамғармаси маблағларидан қонун ҳужжатларига қатъий мувофиқ ҳолда мақсадли фойдаланилишини таъминлайдилар.

Иш билан таъминлаш жамғармаси маблағлари қуйидагилар ҳисобига **шакллантирилади:**

- корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг иш ҳақи фондидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган миқдордаги мажбурий ажратмалари, ушбу харажатлар маҳсулот таннархига қўшилади;

тегишли бюджет маблағларини шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва жойлардаги давлат ҳокимияти органлари томонидан белгиланадиган миқдорларда республика ва маҳаллий бюджет маблағларидан дотациялар;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган талаблар бузилганлиги учун жойлардаги меҳнат органлари томонидан белгиланган тартибда солинадиган молиявий санкциялар жарималар ва қўшилган пенялар суммаси;

қўшимча ва янги иш ўринлари яратиш учун кичик бизнес субъектларини кредитлаш учун тижорат банклари томонидан очилган кредит линияларидан фоизлар;

юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан хорижий юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тушумлар.

Ўзбекистон Иш билан таъминлаш жамғармасининг шаклланиши манбаларида асосий улушни корхона ва ташкилотларнинг мажбурий ажратмалари, жамғарманинг вақтинчалик бўш маблағларини инвестициялашдан тушган даромадлар ва бошқалар ташкил этади.

Иш билан таъминлаш жамғармаси маблағларини тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармалари тасарруф этадилар ва уларнинг маблағлари бюджетдан ташқари мақсадли махсус ҳисоб рақамларида жамланади. Бу маблағларнинг 70% Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармалари ихтиёрида қолади, кейинчалик туманлар ва шаҳарлар ўртасида тақсимланади, 30% республика даражасида марказлаштирилади.

Иш билан таъминлаш жамғармаси маблағларини сарфлаш йўналишлари республика ва ҳудудий бандлик дастурларига биноан белгиланади. Иш билан таъминлаш жамғармаси маблағлари ҳисобига қуйидагилар **амалга оширилади:**

Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларида ишсизлик мақоми олган ва иш қидирувчи сифатида рўйхатда турган шахсларни касбга тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ишларини маблағ билан таъминлаш;

ишсизлик бўйича нафақалар, Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларининг таклифига биноан ишлаш учун бошқа жойга ихтиёрий равишда кўчиб ўтиш учун компенсациялар тўлаш ва қонун ҳужжатларига мувофиқ ишсизларга моддий ёрдам бериш;

ишсизларга муддатидан олдин пенсия тайинланганлиги сабабли бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси харажатларини қоплаш;

ҳақ тўланадиган жамоат ишларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маблағ билан таъминлаш;

ногиронлар ва фуқароларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган бошқа тоифалари меҳнатидан фойдаланиш учун ихтисослаштирилган иш ўринлари (ишлаб чиқаришлар) ташкил этиш тадбирларини маблағ билан қисман таъминлаш;

Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари таъминоти барча даражалардаги меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органларини жойлаштириш учун бинолар қуриш ва уларни реконструкция қилиш, уларни моддий-техникавий таъминлаш, компьютерлар, нусха кўчириш ва бошқа зарур техника билан жиҳозлаш;

ахборот-маълумотлар ва реклама-ноширлик ишларини амалга ошириш;

демография, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш, меҳнатни муҳофаза қилиш, меҳнат муносабатларини тартибга солиш, меҳнатни нормалаш ва унга ҳақ тўлаш масалалари бўйича норматив-услубий ва йўриқнома материаллар ишлаб чиқишни маблағ билан таъминлаш;

белгиланган тартибда республика даражасида ва ҳудудий даражада ижтимоий кузатувларни ташкил этиш ва ўтказиш, иш билан таъминлаш масалалари бўйича аҳолининг айрим гуруҳлари ўртасида анкета сўровлари ўтказиш;

республика ва ҳудудий меҳнат бозори ахборот тизимларини яратиш ва уларнинг дастурий таъминотини ишлаб чиқиш, шу жумладан техника воситалари сотиб олиш;

иш билан банд бўлмаган аҳолига ёрдам кўрсатиш, шу жумладан ишга жойлаштиришга кўмаклашиш ва маслаҳат хизматлари кўрсатиш билан боғлиқ харажатларни маблағ билан таъминлаш;

аҳолини иш билан таъминлашга доир муаммолар бўйича халқаро ҳамкорликни маблағ билан таъминлаш;

ишчи кучи экспорт қилиш масалалари бўйича халқаро лойиҳа ва шартномаларни амалга ошириш, Ўзбекистон Республикасининг чет элларга ишга юборилган фуқароларини ишга жойлаштиришни ташкил этиш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш билан боғлиқ харажатларни маблағ билан таъминлаш;

Иш билан таъминлаш жамғармаси маблағларини кўпайтиришга йўналтирилган, аҳолини иш билан таъминлашга бевосита кўмаклашувчи тижорат ва хўжалик ҳисобидаги фаолиятни амалга ошириш, мулкчилик ва хўжалик юритишнинг турли шаклларидаги корхоналар ташкил этиш;

тижорат банклари томонидан очиладиган кредит линиялари орқали хўжалик юритувчи субъектларга, шу жумладан кичик бизнес субъектларига, деҳқон ва фермер хўжаликларига, оилавий тадбиркорлик субъектларига ҳамда якка тартибдаги тадбиркорларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўлов, таъминлаш ва қайтариш шартларида янги иш ўринлари яратиш учун қисқа муддатли ва ўрта муддатли кредитлар бериш. Бунда Иш билан таъминлаш жамғармасидан кредитлар устувор тартибда ва Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий бош бошқармалари таклифларига кўра янги иш ўринлари устувор равишда яратиладиган ҳудудларда, узоқда жойлашган, бориш қийин бўлган ва чегара туманларда, мураккаб вазиятда ва экологик ноқулай шароитли минтақаларда янги иш ўринлари яратиш, шунингдек «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг **7-моддасида** кўрсатилган аҳолининг алоҳида тоифаларини иш билан таъминлаш билан боғлиқ мақсадлар учун берилади.

Бандликка кўмаклашиш маркази ҳисоб рақамига тушадиган маблағларнинг 5 фоизи меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органларининг ходимлари меҳнатини рағбатлантириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш жамғармасига йўналтирилади.

Жамғарма маблағлари яна қуйидагиларга ишлатилиши мумкин:

- аҳолининг рақобатбардош бўлмаган қатламлари (демобилизация қилинганлар, мактабни битирганлар)га ва ишсизларга иш ўринлари ташкил этиш

учун молиявий маблағлар ажратишга, янги иш ўринларида шу шахсларнинг улуши 50 фоиздан кам бўлмаслиги керак;

- банкротлик чегарасида бўлган корхоналарга кенг кўламда ишчиларни бўшадини ва ҳокимиятларнинг махсус комиссиялари хулосаларига биноан мавжуд иш ўринларини қисқартиришни олдини олиш мақсадида молиявий ёрдам кўрсатишга;

- ўртача 80% даража тайёр тугалланмаган қурилиш объектларида иш ўринларини ташкил этишга;

- алоҳида тоғ, чўл ҳудудларида аҳоли бандлигини таъминлашга.

Бу тадбирларни молиялаштириш учун маблағлар фоизли ёки фоизсиз (минимал ҳажмда) заёмларни белгиланган муддатларда қайтариш шартлари билан ажратилади.

Юқорида қайд этилганидек, жамғарманинг муҳим вазифаларидан бири ишсизликдан ҳимоялаш ва ишсизлик нафақаларини тўлаш бўйича давлат кафолатини бериш бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси Конституцияси⁴, Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонуни⁵ билан белгиланган ва "Аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш марказларида фуқароларни рўйхатдан ўтказиш, ишга жойлаштириш, ишсизлик

нафақасини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги Низом билан тартибга солинади.

Меҳнатга лаёқатли шахслар (16 ёшдан пенсия таъминоти ҳуқуқини олгунга қадар) Аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш марказларида иш қидираётганлар сифатида рўйхатдан ўтган ва шу даврда иш ва даромадга эга бўлмаган, меҳнат қилишга тайёр ва зарурат туғилганда касбий тайёргарлик, қайта тайёргарлик ўтишга ёки малакасини оширишга тайёр бўлган тақдирда ишсиз деб ҳисобланади.

Меҳнат органларида рўйхатга олинган ишсизларга:

- қарамоғида вояга етмаган болалари ва бошқа кишилар бўлган шахсларга касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, малака ошириш даврида олдинги иш жойидаги ўртача ойлик иш ҳақининг камида 75% (қарамоғида болалари ва бошқа кишилар бўлмаганларга эса - 50%) миқдорида, бироқ қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан оз бўлмаган ва Ўзбекистон Республикасида таркиб топган ўртача иш ҳақидан ортиқ бўлмаган миқдорда стипендия тўланади;

⁴Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 37-модда.

⁵ "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида" Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (янги таҳрири), 16-модда. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 13 октябрда 831-сон билан рўйхатга олинган

- қарамоғида одам бўлган ишсизларга моддий ёрдам кўрсатилади, хусусан қарамоғида учитагача киши бўлган 35 ёшга тўлмаган ишсиз эркак ҳақ тўланадиган жамоат ишларида иштирок этаётган тақдирда;

- ҳақ тўланадиган жамоат ишларида қатнашиш имконияти берилади;
- Аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш марказлари таклифига биноан бошқа жойдаги ишга қабул қилинганда кўчиш харажатлари компенсация қилинади.

Ишсизлик нафақаси кўпи билан:

- ишдан ва иш ҳақидан (меҳнат даромадидан) маҳрум бўлган ёки узоқ (бир йилдан ортиқ) танаффусдан кейин меҳнат фаолиятини қайта бошлашга ҳаракат қилаётган шахсларга ўн икки ойлик давр мобайнида 26 календарь ҳафта;

- илгари ишламаган ва биринчи бор иш қидираётган шахсларга эса ўн икки ойлик давр мобайнида 13 календарь ҳафта тўланади.

Ишсиз шахс нафақа олиш даврида иш қидириши ва ҳар икки ҳафтада камида бир марта маҳаллий Аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш марказида йўқламадан ўтиши керак.

Қуйидаги ҳолларда ишсизлик нафақасини тўлаш бекор қилинади:

- ишсиз шахс ишга жойлашганда;
- ишсиз шахс таклиф қилинган мақбул ҳисобланган ишни икки марта рад этган тақдирда;
- қарамоғида учитагача киши бўлган 35 ёшга тўлмаган ишсиз эркак ҳақ тўланадиган жамоат ишларида иштирок этишни рад этган тақдирда;
- ишсиз шахс қонун ҳужжатларига мувофиқ пенсия таъминоти ҳуқуқига эга бўлган тақдирда;
- ишсиз шахс суднинг ҳукми билан қамоқ ёки озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазога ҳукм этилган тақдирда;
- ишсизлик нафақасини олиб турган даврда маҳаллий меҳнат органини хабардор қилмай вақтинчалик бажариладиган ишга жойлашилган тақдирда;
- ишсизлик нафақасини алдов йўли билан олган тақдирда;
- ишсиз шахс вафот этган тақдирда.

Ишсизлик нафақасини тўлашнинг белгиланган муддати ўтиши муносабати билан ишсизлик нафақасини олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлган ишсиз фуқароларга Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармасидан ёки маҳаллий бюджетлардан ажратиладиган моддий ёрдам кўрсатилиши мумкин.

Жамғарма даромадининг тахминан 60 фоизни корхоналарнинг иш ҳақи фондидан мажбурий ажратмалари таъминлайди. Жамғарманинг харажатлари таркибида янги иш ўринларини яратишга харажатлар 55 фоиздан ортиқ ва тахминан 10% эса ишсизлик нафақалари, моддий ёрдамни ва муддатидан олдин пенсияларни тўлаш ташкил этади.

Иш билан таъминлаш жамғармасининг маҳаллий даражада етишмаган маблағлари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан Иш билан таъминлаш жамғармаси маблағларининг Республика қисми ҳисобидан қопланади.

Йил бошида зарур ҳолларда Иш билан таъминлаш жамғармаси ҳисоб рақамидаги бўш маблағлар Давлат бюджети тақчиллигини қоплаш учун йўналтирилиши мумкин.

Иш билан таъминлаш жамғармаси маблағларининг тушиши ва фойдаланилишини назорат қилиш:

иш берувчиларнинг Иш билан таъминлаш жамғармасига мажбурий ажратмалари тўлиқ ва ўз вақтида тушиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, унинг жойлардаги органлари ва солиқ органлари томонидан амалга оширилади;

ишсизлик нафақалари, шунингдек ишсизларга компенсациялар ва моддий ёрдам тўғри ҳисобланишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва унинг вилоят бўлинмалари томонидан амалга оширилади;

иш билан таъминлаш жамғармаси маблағларидан фойдаланилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги томонидан, зарур ҳолларда, аудиторлар ва аудиторлик фирмаларини жалб қилган ҳолда амалга оширилади.

II-Боб. Қашқадарё вилояти Молия бошқармасининг ижтимоий-иқтисодий фаолияти таҳлили .

2.1. Қашқадарё вилояти Молия бошқармасининг ҳозирги давр амалиёти фаолияти таҳлили.

Меҳнат бозорининг самарали ишлаши учун унинг оқилона бошқарилиши ва давлат томонидан тартибга солинишини тақозо этади. Буни тартибга солишда миллий тажрибалар хорижий тажрибаларга асосланилади. Миллий тажрибаларда республикамиз томонидан меҳнат бозорининг ҳуқуқий негизлари ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг, бозор муносабатларини ўзида ифодаловчи ҳуқуқий асослар яратилди ва турли соҳаларга ҳозирги кунда тадбиқ қилиниб келинмоқда. Бундай ҳуқуқий асослар меҳнат бозори фаолиятида ҳам ишлаб чиқилган. Бу қонун меҳнат бозорининг маданиятли ривожланиши ва амал қилинишига хизмат қилади. Улар Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида» ги Қонун¹, Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнат Кодекси»² ҳисобланиб, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида меҳнат бозори ҳуқуқий хусусиятларини ўзида акс эттириши билан, шунингдек меҳнат бозорида ишчи кучи талаби ва таклифининг эркин амал қилинишини кафолатловчи қонуний ҳужжатлардир.

Бу қонунлар асосида бозор иқтисодиётига ўтиш меҳнат бозорида туб ўзгаришлар ясашни, аста-секин меҳнат бозорини шакллантиришни тақозо этади. Яъни, республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш сиёсатида талаб ва таклифнинг ўзаро мослигини таъминловчи меҳнат бозорининг миллий моделини шакллантириш марказий ўрин эгаллайди.

Меҳнат бозорининг миллий тартибга солинишида давлатнинг меҳнат бозорини шакллантиришдаги фаол иштироки меҳнат муносабатларига давлат аралашуви ва давлат меҳнат сиёсатининг амалга оширилиши мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатади. Меҳнат бозори ривожланишига давлат аввало, меҳнатга оид қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш орқали таъсир кўрсатади.

2.1.1-жадвал

Қашқадарё вилоятидаги пенсионерлар сони ҳақида маълумот

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил
Пенсия олувчиларнинг умумий сони	минг киши	247,4	245,4	244,4	243,6
<i>шундан:</i> ёшга доир	минг киши	170,6	172,2	174,8	177,3
ногиронлик	минг киши	56,9	54,8	51,5	49,9
Боқувчисини йўқотганлик	минг киши	19,9	18,4	18,1	16,4
Ўртача пенсия миқдори	сўм	120076	151628	191818	239177

Жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки вилоятда пенсионерлар сони 2012 йилда 243,6 минг кишини ташкил этган, 2009 йилга нисбатан пенсия олувчилар сони салмоқли даражада камайган, ёшга доир пенсия олувчилар сони 2012 йилда 177,3 минг кишини ташкил қилган бўлса, 2009 йилда бу кўрсаткич 170,6 минг кишини ташкил қилган, бунга асосий сабаб бўлиб

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида» ги Қонунига шарҳлар. Т.: Шарқ, 2000 йил.

² Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси. Т.: Адолат, 1996 й.

Республикада ўртача умр кўриш даражаси ва аҳоли фаровонлиги даражасининг ошганлиги ҳисобланади. Ногиронлик бўйича пенсия олувчилар сони 2009 йилда 56,9 минг кишидан 2012 йилда мос равишда 49,9 минг кишига камайган, бунинг асосий сабабларидан бири юқорида келтирилган сабаб бўлса, кейингиси баъзи бир шахсларнинг асосиз ва ноқонуний тарзда ногиронлик нафақаларини олишга уринишларига чек қўйилганлиги ҳисобланади. Ўртача пенсия миқдори ўсиб бориш тенденциясига эга бўлиб, 2009 йилдан 2012 йилгача мос равишда 120076 сўм, 151628 сўм, 191628 сўм ва 239177 сўмни ташкил этган.

2.1.2-жадвал

Қашқадарё вилоятидаги пенсионерлар сони ҳақида маълумот

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2009 йил	Хиссаи (%)	2010 йил	Хиссаи (%)	2011 йил	2012 йил	Хиссаи (%)	2012 йил 2009 йилга нисбатан ўзгариш	
									(+;-)	(%)
Пенсия олувчиларнинг умумий сони	минг киши	247,4	100	245,4	100	244,4	243,6	100	-3,8	98,46
<i>шундан:</i> ёшга доир	минг киши	170,6	68,96	172,2	70,17	174,8	177,3	71,52	6,7	103,93
ногиронлик	минг киши	56,9	23,0	54,8	22,33	51,5	29,0	21,07	-27,9	50,97
Боқувчисини йўқотганлик	минг киши	19,9	8,04	18,4	7,50	18,1	16,4	7,41	-3,5	82,41
Ўртача пенсия миқдори	сўм	120076	100	151628	100	191818,2	239177	100	119101,4	199,19

Жадвал маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак, 2009 йилда пенсия олувчиларнинг 68,96 фоизи ёшга доир пенсия олувчиларга, 23 фоизи ногиронлик бўйича пенсия олувчиларга ва 8,04 фоизи боқувчисини йўқотганлик учун пенсия олувчилар ҳиссасига тўғри келган. 2012 йилда эса мос равишда 71,52 фоиз ёшга доир пенсия олувчиларга, 21,07 фоизи ногиронлик бўйича пенсия олувчиларга ва 7,41 фоизи боқувчисини йўқотганлик учун пенсия олувчилар ҳиссасига тўғри келган. 2012 йилда 2009 йилга нисбатан жами пенсия олувчилар миқдори 3,8 минг кишига камайган бўлса, ёшга доир пенсия олувчилар сони 6,7 минг кишига ошган ва 2009 йилга нисбатан 3,93 фоизга ортган, ногиронлик бўйича нафақа олувчилар сони 27,9 минг кишига камайган, ҳудди шундай боқувчисини йўқотганлик учун пенсия олувчилар ҳам 3,5 минг кишига камайган, ўртача пенсия миқдори эса 2009 йилга нисбатан 2012 йилга деярли икки баравар, яъни 119101,4 сўмга кўрайган.

2.1.3-жадвал

Маҳаллий бюджет даромадлар қисмининг бажарилиши ҳақида маълумот

(млн. сўм)

Кўрсаткичлар	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 Йил	2012 йил 2009 йилга нисбатан ўзгариш (%)
Жами даромадлар йиғиндиси	589964,9	772711,9	1103489,6	1147926,5	194,6
Қўшимча қиймат солиғи	240254,9	287200,4	481835,8	363557,1	151,3
Фойда солиғи	83282,5	71790,6	63776,3	117684,3	141,3
Акцизлар	12323,4	14434,6	12278,4	12200,0	99,0
Фуқоролар даромади	49342,6	119234,5	146881,5	175530,4	355,7

солиғи					
Патент	5868,8	3925,6	8945,3	5795,3	98,7
Маҳаллий солиқлар	16241,7	24823,3	33472,2	42240,3	260,1
Ер солиғи	19241,4	28121,8	38452,9	32013,8	166,4
Юридик шахслардан мол - мулк солиғи	45912,4	71823,1	106824,4	114281,6	248,9
Жисмоний шахслардан мол - мулк солиғи	4023,0	5777,3	8066,6	11479,7	285,4
Сув учун тўлов	2962,5	3713,4	5470,8	9238,5	311,8
Давлат божи	2743,5	5251,1	7443,5	8289,8	302,2
Инфраструктура	76428,2	92265,8	119671,9	172637,9	225,9
Ягона солиқ	26491,9	33531,3	50333,4	57195,0	215,9
Бошқа солиқ ва тушумлар	4848,1	10819,2	20036,4	25782,8	531,8

Қашқадарё вилояти маҳаллий бюджети даромадлар қисмини таҳлил қиладиган бўлсак, даромадларнинг асосий қисми фуқароларнинг даромад солиғи, маҳаллий солиқлар, юридик шахслардан мол-мулк солиғи, жисмоний шахслардан мол-мулк солиғи, сув учун тўлов, давлат божи, инфраструктура солиғи, ягона солиқ ва бошқа солиқ ва тушумлардан иборат. Буларнинг ҳаммаси вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг кескин даражада ошаётганлиги ва аҳолининг моддий фаровонлиги ўсганлигидан далолат беради. Вилоятнинг жами даромадлари 2012 йилда 1147926,5 млн. сўмни ташкил қилган ва 2009 йилга нисбатан 94,6 фоизга ошган. Фуқароларнинг даромад солиғи 2009 йилда 49342,6 млн. сўмни ташкил қилган бўлса, 2012 йилда бу кўрсаткич 175530,4 млн. сўмни ташкил қилган ва 2009 йилга нисбатан 255,7 фоизга ошган. Аҳолининг моддий фаровонлиги ошганлигини биргина сув учун тўлов миқдорининг ўсганлигида ҳам кўришимиз мумкин, сув учун тўлов 2012 йилда 2009 йилга нисбатан 211,8 фоизга ошган. Шунга қарамай патент ва акциз солиқлар миқдори камайиш тенденциясига эга. Акциз солиқлар камайишининг асосий сабаби бўлиб алкоголь ва тамаки маҳсулотларига нисбатан солиқлар миқдорининг оширилиши ва тамаки маҳсулотларини жамоат жойларида сотиш ва истеъмол қилиш бўйича қарорлар қабул қилинганлигида деб ҳисоблаймиз.

2.1.4-жадвал

Маҳаллий бюджет харажатлар қисимнинг бажарилиши ҳақида маълумот

(млн. сўм)

	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 Йил	2012 йил 2009 йилга нисбатан ўзгариш (%)
Жами харажатлар йиғиндиси	554778,5	707950,4	843034,7	1091266,0	196,70
Қишлоқ хўжалиги	2059,7	2813,8	3670,5	4556,5	221,22
Уй-жой коммунал хўжалиги	73,4	88,3	97,8	98,6	134,33
Маданият	1925,4	2687,4	3685,5	2380,1	123,62
Халқ таълими	223214,6	294837,4	369007,6	469065,1	210,14
Фан ва илм муассасалари	152,4	185,4	211,9	238,0	156,17
Соғлиқни сақлаш	93981,6	129617,0	166869,3	209088,6	222,48
Жисмоний тарбия	47,8	59,1	98,7	102,9	215,27
Ижтимоий таъминот	2627,9	3472,0	4303,6	5282,8	201,03
Бошқарув органлари харажатлари	4755,0	5019,4	5656,9	8956,8	188,37
Турмуш фаровонлигини ошириш билан боғлиқ булган харажатлар	108336,5	128143,7	127313,4	149386,5	137,89

Капитал қўйилмалар	40045,5	33132,6	25432,0	21618,6	53,99
Мудофаа мажмуи, хукукни ҳимоя қилиш идораларини молиялаштириш	6804,5	9066,8	11912,8	16129,3	237,04
Бошқа харажатлар	70754,2	98827,5	124774,8	204362,2	288,83

Вилоят маҳаллий бюджетининг харажатлар қисмини таҳлил қиладиган бўлсак, харажатларнинг асосий қисми 2012 йилда 2009 йилга нисбатан қишлоқ хўжалигига 221,22 фоиз, халқ таълимига 210,14 фоиз, соғлиқни сақлаш 222,48 фоиз, жисмоний тарбия 215,27 фоиз, ижтимоий таъминот 201,03 фоиз, мудофаа мажмуи, хукукни ҳимоя қилиш идораларини молиялаштиришга 237,04 фоиз ва бошқа харажатлар 288,83 фоизга ошганлигини кўришимиз мумкин. Харажатларнинг ҳаммаси мамлакат ва унинг аҳолисининг фаровон ҳаёт кечиришига йўналтирилгандир. Халқ таълимини ривожлантиришга қилинган харажатлар 2009 йилда 223214,6 млн. сўм ажратилган бўлса, 2012 йилда 469065,1 млн. сўм сарфланган. Вилоят бўйича жами харажатлар 2012 йилда 2009 йилга нисбатан 96,7 фоизга ўсган. Капитал қўйилмалар миқдори 2012 йилда 2009 йилга нисбатан 53,9 фоизга камайган. Бунинг асосий сабабларидан бири 2009 йилнинг иккинчи ярмида бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi ҳисобланади.

2.1.5-жадвал

Маҳаллий бюджетнинг бажарилиши ҳақида маълумот

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2009	2010	2011	2012
Даромадлари режаси	млн.сўм	583108,3	765755,1	1089370,7	1136088,8
ҳақиқатда	млн.сўм	589964,9	772711,9	1103489,6	1147926,5
режанинг бажарилиши	%	101,2	100,9	101,3	101,0
Харажатлари режаси	млн.сўм	552156,7	710633,5	838404,4	1086709,0
ҳақиқатда	млн.сўм	554778,5	707950,3	843034,7	1091266,0
режанинг бажарилиши	%	100,5	100,0	100,6	100,4

Жадвал маълумотларни таҳлил қиладиган бўлсак, маҳаллий бюджетнинг даромадлар ва харажатлар қисми режага нисбатан ошиғи билан бажарилган. Масалан, 2012 йилда даромадлар режаси 1136088,8 млн.сўм бўлган бўлса, режа 101 фоизга, яъни 1147926,5 млн.сўмга бажарилган. Харажатлар эса 2012 йилдаги режадагидан 0,4 фоизга ошиғи билан бажарилган. Харажатлар режаси 2009 йилда 552156,7 млн.сўм бўлган бўлса, 2012 йилда 2009 йилга нисбатан деярли икки баравар ошган, яъни 1086709,0 млн.сўмни ташкил қилган.

Вилоят Молия бошқармаси маълумотларидан кўриниб турибдики, вилоятда маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ундан оқилона фойдаланиш бўйича таҳсинга молик ишлар амалга оширилган. Маблағларнинг барчаси мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини оширишга ва унда истиқомат қиладиган халқнинг фаровон яшашини оширишга йўналтирилгандир.

2.2. Аҳоли бандлигига қўмаклашувчи давлат жамғармаси даромадлари прогнозини кўриб чиқиш ва келишиш ҳамда унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби.

Бандликка қўмаклашувчи жамғарма тушумлари маблағларининг 5 фоизи Жамғарма маблағларини шакллантириш манбаи ҳисобланади.

Жамғарма маблағлари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳудудий бош бошқармаларининг бюджетдан ташқари махсус ҳисоб рақамларидан жамланади ҳамда меҳнат

ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари ўртасида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан ўрнатилган тартибда тақсимланади.

Жамғарма даромадлари ва харажатлари сметасини тузиш, тасдиқлаш ҳамда рўйхатга олиш тартиби:

1. Жамғарманинг келгуси йилги даромадлари миқдорларини белгилашда Жамғарманинг аввалги йил охиридаги маблағлари қолдиғи ҳамда кейинги икки йил ичида қонун ҳужжатларидаги ўзгаришларни эътиборга олиб, тушумлар динамикасини назарда тутган ҳолда ҳисоблаб чиқилган прогноз тушумлари ҳажми инобатга олинади.

2. Сметанинг харажатлар қисми Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган давлат бюджети харажатлари таснифига мувофиқ харажатларни моддалар бўйича аниқ кўрсатган ҳолда харажат гуруҳлари бўйича тузилади.

3. Жамғарманинг даромад ва харажатлари сметаси тегишли равишда:

Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири;

Қорақалпоғистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳри меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳудудий бош бошқармаларининг бошлиқлари томонидан туман (шаҳар) бўлинмалари харажатлар сметаларини илова қилган ҳолда тасдиқланади.

4. Жамғарма даромадлари ва харажатлари сметасини рўйхатга олиш бюджет ташкилотларининг харажатлар сметалари ва штат жадвалларини Молия вазирлиги ва молия органларида ҳисобга олишнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1999 йил 9 декабрда 93-сон (1999 йил 13 декабрдаги 849-рўйхат рақами) тасдиқланган Тартиб билан белгиланган тартиб ва муддатларда амалга оширилади.

5. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири, Қорақалпоғистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳри меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳудудий бош бошқармаларининг бошлиқлари Жамғарма тушумларининг ҳажмларидан келиб чиқиб, белгиланган тартибда рўйхатга олган ҳолда Жамғарманинг даромад ва харажатлари сметасига ҳар чоракда ўзгартиш киритишлари мумкин.

Жамғарма маблағларини йўналтириш ва фойдаланиш тартиби:

1. Жамғарма маблағларини сарфлаш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳудудий бош бошқармаларининг, Бандликка кўмаклашувчи ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш туман (шаҳар) марказларининг бюджетдан ташқари махсус ҳисоб рақамларидан, тасдиқланган даромадлар ва харажатлар сметаларига мувофиқ амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири, Қорақалпоғистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳри меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳудудий бош бошқармаларининг бошлиқлари, Бандликка кўмаклашувчи ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш туман (шаҳар) марказларининг директорлари, улар бўлмаган ҳолларда эса — уларнинг ўрнини босадиган шахслар тегишли равишда Жамғарма маблағларини тасарруф этувчилар ҳисобланади.

2. Жамғарма маблағлари қуйидаги мақсадларга йўналтирилади:

а) Жамғарма маблағларининг камида 50 фоизи миқдорида — меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари ходимларини моддий рағбатлантиришга;

б) Жамғарма маблағларининг 50 фоизигача миқдорда — меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, шунингдек кадрлар тайёрлаш ва ходимларнинг малакасини ошириш бўйича сарф-харажатларга, шу жумладан:

вазирлик, унинг ҳудудий бошқармалари ҳамда туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашувчи ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Марказлари бинолари ҳамда хоналарини қуриш, сотиб олиш, таъмирлаш ва жиҳозлар;

автотранспорт, алоқа воситалари, ҳисоблаш, компьютер ва ташкилий техникаларни сотиб олиш, таъмирлаш, техник хизмат кўрсатиш, инвентар ва хўжалик жиҳозларини сақлаш ҳамда эксплуатация қилиш, дастурий таъминот воситаларини харид қилиш;

даврий матбуот нашрларини, махсус адабиётлар, китоб маҳсулот, идоравий ашёларни сотиб олиш;

кадрлар тайёрлаш ва ходимлар малакасини ошириш бўйича харажатлар;

меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини яхшилашга қаратилган бошқа тадбирлар.

Жамғарманинг жорий йилда фойдаланилмаган маблағлари қолдиғи навбатдаги молия йилига ўтади ва олиб қўйилмайди.

Ходимларга юқори касбий малакаси учун ҳар ойлик шахсий устама ҳақ, ишдаги муваффақиятлари ва муҳим топшириқларни бажаргани учун айрим ходимларни мукофотлаш, юбилей саналари муносабати билан бир маротабалик пул мукофотлари бериш, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган байрам кунлари муносабати билан мукофотлар тўлаш, мансаб маошларига ҳар ойлик қўшимча ҳақ белгилаш (овқат ва бошқа мақсадларга), моддий ёрдам кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири томонидан тасдиқланадиган Ходимларни моддий рағбатлантириш ва ижтимоий муҳофаза қилиш тўғрисидаги низомга мувофиқ ҳамда ушбу Низомнинг 10-бандида кўрсатилган Жамғарма маблағларини тасарруф этувчиларнинг буйруқлари асосида, тегишли Жамғармаларнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Жамғармадан ходимларга устама ҳақ, мукофотлар белгилаш ва моддий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги қарор ҳар бир меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органида ташкил этиладиган махсус комиссия томонидан қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири, Қорақалпоғистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳри меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳудудий бош бошқармаларининг бошлиқлари зарур ҳолларда Жамғарма маблағларини Жамғарманинг даромад ва харажатлар сметасига белгиланган тартибда тегишли ўзгартишларни киритган ҳолда меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш қўйи органларига қайтадан тақсимлашлари мумкин.

Жамғарма маблағлари ҳисобидан қўшимча ходимларни сақлаш ман этилади.

Иш билан таъминланиш — фуқароларнинг қонун ҳужжатларига зид келмайдиган, ўз шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган, уларга иш ҳақи (меҳнат даромади) келтирадиган фаолиятидир.

Унумли ва ижодий меҳнат қилишга бўлган ўз қобилиятларини тасарруф этиш ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган ҳар қандай фаолият, шу жумладан ҳақ тўланадиган ишни бажаришга алоқаси бўлмаган фаолият билан шуғулланиш мутлақ ҳуқуқи фуқароларга тегишлидир.

Мажбурий меҳнат, яъни бирон-бир жазони қўллаш билан таҳдид қилиш орқали иш бажаришга мажбурлаш тақиқланади, қонунда белгиланган ҳоллар бундан мустасно. Кишиларнинг ихтиёрий равишда иш билан банд бўлмаслиги уларни жавобгарликка тортиш учун асос бўла олмайди.

Қуйидагилар иш билан таъминланган деб ҳисобланади:

ёллашиб ишлаётган, шу жумладан ишни тўлиқсиз иш вақтида ҳақ эвазига бажараётган касаначилик билан шуғулланаётган, шунингдек ҳақ тўланадиган бошқа ишга, шу жумладан вақтинчалик ишга эга бўлган фуқаролар;

бетоблиги, меҳнат таътилида, касбга қайта тайёрлашда, малака оширишда эканлиги, ишлаб чиқаришнинг тўхтатиб қўйилганлиги муносабати билан, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ вақтинча иш жойида бўлмаганда ходимнинг иш жойи сақланиб турадиган бошқа ҳолларда вақтинча иш жойида бўлмаган фуқаролар;

ўзини иш билан мустақил таъминлаётган фуқаролар, шу жумладан юридик шахс ташкил қилмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган фуқаролар, кооперативларнинг аъзолари, фермерлар ва уларнинг ишлаб чиқаришда қатнашаётган оила аъзолари;

Қуролли Кучларда, Миллий хавфсизлик хизмати ва ички ишлар органлари ва қўшинларида хизматни ўтаётган, шунингдек муқобил хизматни ўтаётган фуқаролар;

таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим олаётган фуқаролар;

қонун ҳужжатларига мувофиқ фаолият олиб бораётган жамоат бирлашмалари ва диний муассасаларда ишлаётган фуқаролар.

Ўн олти ёшдан бошлаб то пенсия билан таъминланиш ҳуқуқини олишгача бўлган ёшдаги, ишга ва иш ҳақи (меҳнат даромади) эга бўлмаган, иш қидирувчи шахс сифатида маҳаллий меҳнат органида рўйхатга олинган, меҳнат қилишга, касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлашдан ўтишга, малакасини оширишга тайёр меҳнатга қобилиятли шахслар ишсиз деб эътироф этилади.

Шахсларни ишсиз деб эътироф этиш тўғрисидаги қарор маҳаллий меҳнат органи томонидан улар иш қидираётган шахс сифатида рўйхатга олинган кундан эътиборан ўн биринчи кундан кечиктирмай қабул қилинади.

Қуйидагилар ишсиз деб эътироф этилмайди:

меҳнат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб ўн кун ичида таклиф этилган мақбул келадиган ишни икки марта рад этган шахслар;

рўйхатга олинган кундан бошлаб ўн кун ичида мақбул келадиган ишни қидириш мақсадида узрсиз сабабларга кўра меҳнат органига келмаган шахслар.

Таклиф этилган ишдан бош тортган кундан ёки мақбул келадиган ишни қидириш мақсадида узрсиз сабабларга кўра меҳнат органига келмаган кундан бошлаб ўттиз календарь кун ўтганидан кейингина шахс иш қидираётган сифатида қайта рўйхатдан ўтишга ҳақли бўлади.

Фуқароларни ишсиз сифатида рўйхатга олиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсати қуйидаги принципларга асосланади:

меҳнат қилиш ва ишни эркин танлаш ҳуқуқини амалга оширишда барча фуқароларга жинси, ёши, ирки, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, мулкый аҳволи ва мансаб мавқеидан, динга муносабати, эътиқодидан, жамоат бирлашмаларига мансублигидан, шунингдек ходимларнинг ишчанлик жиҳатларига ҳамда улар меҳнатининг натижаларига боғлиқ бўлмаган бошқа ҳолатлардан қатъи назар тенг имкониятларни таъминлаш;

кишиларнинг меҳнат ва тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларда меҳнат қилиш ва ҳаёт кечиришда муносиб шароитларни таъминлайдиган унумли ва ижодий меҳнат қобилиятини ривожлантиришга кўмаклашиш;

меҳнат қилишнинг ихтиёрийлиги;

иш билан таъминланиш соҳасида ижтимоий кафолатлар бериш ва аҳолини ишсизликдан ҳимоя қилишни таъминлаш;

ижтимоий ҳимояга ўта муҳтож ва иш топишда қийналаётган фуқаролар учун мавжуд иш жойларини сақлаб қолаётган ва янги иш жойларини яратаётган иш берувчиларни рағбатлантириш;

иш билан таъминлаш соҳасидаги тадбирларни иқтисодий ва ижтимоий сиёсатнинг бошқа йўналишлари билан мувофиқлаштириш;

аҳолини иш билан таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилишда давлат органлари, касаба уюшмалари, ходимларнинг вакиллик органлари ва иш берувчиларнинг ўзаро ҳамкорлиги;

аҳолини иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал қилишда давлатлараро ҳамкорлик.

Давлат:

иш билан таъминлаш турини, шу жумладан турли меҳнат режимидаги ишни танлаш эркинлигини;

ишга қабул қилишни қонунга ҳилоф равишда рад этишдан ва меҳнат шартномасини ғайриқонуний равишда бекор қилишдан ҳимояланишни;

мақбул келадиган иш танлаш ва ишга жойлашишга бепул ёрдам беришни;

ҳар кимга касбга ва ишга эга бўлишда, меҳнат қилиш ва иш билан таъминланиш шарт-шароитларида, меҳнатга ҳақ тўлашда, хизмат поғонасидан юқорилаб боришда тенг имкониятлар яратишни;

янги касбга (мутахассисликка) бепул ўқитишни, маҳаллий меҳнат органларида ёки уларнинг йўлланмаси билан бошқа ўқув юртларида стипендия тўлаб малакасини оширишни;

бошқа жойдаги ишга қабул қилинганда сарф қилинган моддий харажатлар учун қонун ҳужжатларига мувофиқ компенсация тўлашни;

ҳақ тўланадиган жамоат ишларида қатнашиш учун муддатли меҳнат шартномалари тузиш имкониятини кафолатлайди.

Аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини рўёбга чиқариш ҳамда фуқароларга тегишли кафолатларни таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва унинг маҳаллий органлари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги:

меҳнат бозорини таҳлил этади ва истикболини белгилайди ҳамда аҳолини иш билан таъминлаш даражасини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқади;

аҳолини иш билан таъминлаш масалалари юзасидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллий меҳнат органларига услубий ва амалий ёрдам кўрсатади;

Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси маблағларидан ишсиз шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, янги иш жойлари яратиш, иш билан банд бўлмаган аҳолини касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, малакасини ошириш учун фойдаланишнинг йўналишларини белгилайди;

аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги конун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни таъминлайди;

конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Маҳаллий меҳнат органлари:

фуқароларга мақбул келадиган ишни танлашда, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва бошқа иш берувчиларга эса зарур ходимларни танлашда ёрдам беради;

меҳнат органларига мурожаат қилган фуқаролар ва иш берувчиларга иш топиш ва ишчи кучи билан таъминланиш имкониятлари тўғрисида, ходимларга нисбатан қўйилаётган талаблар ҳақида ва иш билан таъминлашга тааллуқли бошқа масалалар юзасидан маслаҳатлар беради;

ишламаётган фуқароларни касбга ўргатиш, қайта ўргатиш ва малакасини ошириш тўғрисида ўқув юртлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар билан шартномалар тузади;

ишсиз шахсларни рўйхатга олишни таъминлайди ва уларга ёрдам кўрсатади, шу жумладан нафақалар тайинлаш ва тўлашни амалга оширади;

меҳнат бозорининг ҳолатига ва мазкур бозорни ривожлантириш истиқболларига баҳо беради, унинг мониторингини ташкил этади ва ўтказиши ҳамда тегишли ахборот тарқатилишини таъминлайди;

бўш иш жойлари (вакант лавозимлар) ҳамда иш қидириб мурожаат этаётган ва ишга жойлашишга муҳтож фуқаролар ҳисобини юритади;

аҳолини иш билан таъминлаш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда катнашади;

корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан мўлжалланаётган тузилмавий ўзгаришлар ҳамда амалга оширилиши натижасида ходимлар ишдан озод этилиши мумкин бўлган бошқа тадбирлар тўғрисида, шунингдек бўш иш жойлари (вакант лавозимлар) бор-йўқлиги, меҳнат хусусияти ва шароитлари тўғрисида ахборотлар олади;

давлат ва нодавлат таълим муассасаларидан уларнинг йўналиши ва ихтисослашуви, битирувчиларнинг касб-малака таркиби ва сони тўғрисида ахборотлар олади;

меҳнат органларига мурожаат этган фуқароларни касб тайёргарлиги ва малака даражасига мувофиқ корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга уларда бўш иш жойлари (вакант лавозимлар) бўлган тақдирда ишга жойлаштириш учун юборади;

корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар учун ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларни ишга қабул қилишга мўлжалланган энг кам миқдордаги иш жойларини белгилаш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқади ва уларни маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг муҳокамасига киритади, шунингдек мазкур фуқароларни ишга жойлаштириш учун корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга юборади;

корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ишончномаси асосида улар номидан фуқароларни ишга жойлаштириш тўғрисида уларни олдиндан (зарурат бўлган тақдирда) касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, йўлқира, кундалик харажатлар ҳақини тўлаш шарти билан шартномалар тузади, шунингдек янги яшаш ва иш жойига кўчиб бориш чоғида тегишли корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг маблағлари ҳисобидан ёрдам пули беради;

ишсиз фуқароларни ҳақ тўланадиган жамоат ишларига белгиланган тартибда уларнинг ўз хоҳишига кўра жўнатади;

Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармасининг маблағларини белгиланган тартибда тасарруф этади;

фуқароларга ишсизлик нафақасини белгиланган тартибда тайинлайди;

конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Меҳнат органлари томонидан аҳолига, корхоналар, муассасалар, ташкилотларга, бошқа иш берувчиларга кўрсатилаётган хизматлар, шу жумладан меҳнат бозори ҳолати тўғрисида ахборот бериш бепул амалга оширилади.

III-Боб. Ўзбекистон Республикасида аҳоли бандлигини таъминлаш тартибини такомиллаштириш.

Бозор иқтисодиёти шароитида давлат меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш, ишсизликни бартараф этиш ва меҳнат бозорини тартибга солиш бўйича фаол ижтимоий-иқтисодий сиёсат олиб боради. Чунки, меҳнат салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш миллий иқтисодиётни ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш ва юксак тараққий этган мамлакатлар қаторига қўшилишнинг муҳим манбаси бўлиб ҳисобланади.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг деярли барча ҳудудларида ишчи кучининг ортиқчалиги мавжуд ва меҳнат бозорида таклиф талабдан юқоридир. Шу боис ишлашни хоҳловчиларнинг меҳнат бозорида эркин ҳаракат қилишлари ва мустақил иш билан таъминланишлари учун давлат фуқароларга иш билан таъминлаш туруни, шу жумладан турли меҳнат режимидаги ишни танлаш эркинлигини; ишга қабул қилишни қонунга ҳилоф равишда рад этишдан ва меҳнат шартномасини ғайриқонуний равишда бекор қилишдан ҳимояланишни; мақбул ишни танлаш ва ишга жойлашишга бепул ёрдам беришни; ҳар ким касб ва ишга эга бўлишда, меҳнат қилиш ва иш билан таъминланиш шарт-шароитларида, меҳнатга ҳақ тўлашда, хизмат поғонасидан юқорилаб боришда тенг имкониятлар яратишни; янги касбга (мутахассисликка) бепул ўқитишни, маҳаллий меҳнат органларида ёки уларнинг йўлланмаси билан бошқа ўқув юртларида стипендия тўлаб малакасини оширишни; бошқа жойга ишга қабул қилинганда сарф қилинган моддий харажатлар учун қонун ҳужжатларига мувофиқ компенсация тўлашни кафолатлайди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда меҳнатга лаёқатли аҳолининг бандлигини таъминлаш мақсадида қуйидаги қатор чора-тадбирлар кўриляпти:

1. Меҳнат қонунчилиги тобора такомиллаштирилиб, жойлардаги Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари фаолияти кучайтирилмоқда;
2. Янги иш ўринлари яратётган иш берувчилар рағбатлантирилмоқда, уларга солиқ, кредит ва бошқа имтиёзлар бериляпти;
3. Меҳнат бозорида иш кучи сифати ва рақобатбардошлигини ошириш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Бунинг учун меҳнат ресурсларини касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими янада такомиллаштирилди;
4. Аҳолини иш билан таъминлашнинг энг самарали воситалари бўлган кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, касаначилик, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси янада жадал суръатларда ривожлантирилмоқда;
5. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган тоифалари моддий қўллаб-қувватланмоқда, улар учун иш ўринларини квоталаш тартиби йўлга қўйилди.
6. Давлат ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан вақтинчалик ва жамоат ишлари ташкил этиляпти.
7. Ташқи ва ички миграцияни тартибга солишга эътибор кучайтирилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида меҳнатга лаёқатли ёшдаги фуқаролар бутун аҳолининг салмоқли қисмини ташкил этиб, уларнинг сони йил сайин кўпайиб бормоқда.

Республиканинг барча ҳудудларидаги Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари томонидан банд бўлмаган аҳолига кўрсатилаётган хизмат кўрсатиш сифати ва турларини кенгайтириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш ва ишсизликни бартараф этишга қаратилган давлат сиёсатининг яна бир йўналишларидан бири «Аҳолини иш билан таъминлаш» ҳудудий дастурларининг амалга оширилишидир. Мазкур дастурларнинг амалга оширилиши натижасида республикада ҳар йили бир неча юз минглаб янги иш ўринлари барпо қилинмоқда.

Сўнгги йилларда меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлашнинг янгича ва ноанъанавий кўринишларини жорий этиш ҳамда ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, республика аҳолисининг бандлиги ва даромадлари барқарор ўсишини таъминлашга доир вазифаларни ҳал этишда касаначиликнинг турли шакллари кенг ривожлантириш, жумладан, унинг йирик саноат корхоналари билан кооперациясини кенгайтиришга устувор аҳамият берилмоқда. Жумладан, 2006 йил 5 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3706 – сонли Фармони қабул қилинди. Мазкур фармонга мувофиқ, иш билан бандликнинг ушбу шаклини рағбатлантириш мақсадида бир қанча имтиёз ва кафолатлар кўзда тутилган.

Касаначилик меҳнاتини ривожлантириш борасида мавжуд салоҳиятдан самарали фойдаланиш мақсадида Президентимизнинг 2007 йил 6 апрелда қабул қилинган “Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-616-сонли қарорига мувофиқ, касаначилик меҳнати тамойилларини транспорт, алоқа, қурилиш ва қурилиш индустрияси тармоқларининг йирик корхоналарига ҳамда тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи кичик саноат корхоналарига ҳам қўллаш белгилаб қўйилди. Бу эса, ўз навбатида, аҳоли бандлиги ва даромад манбаининг янги шакли ҳисобланган касаначилик меҳнатининг ривожланиши ва бу борада мавжуд салоҳиятдан самарали фойдаланишга олиб келди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги ПҚ-308-сонли қарори билан белгиланган чорвачиликни изчил ривожлантиришни амалга ошириш жараёнида, бандликка кўмаклашувчи ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари томонидан шахсий ва деҳқончилик хўжаликларида йирик шохли қора мол етиштириш билан банд бўлган 101,8 минг аҳоли рўйхатга олинди. Уларнинг барчаларига меҳнат дафтарчалари берилди. Айни вақтга келиб, меҳнат органлари томонидан йирик шохли қорамол етиштириш билан банд бўлган рўйхатга олинган аҳоли сони 1,345 млн. кишиг етди ёки банд бўлганлар умумий сонининг 11 фоизини ташкил қилади.

Янги иш ўринлари яратишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли катта бўлмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўзининг қатор хусусиятларига кўра меҳнатга лаёқатли аҳолининг бандлик даражаси ортишига ижобий таъсир кўрсатади.

Биринчидан, бу соҳа кам капитал сифимига эга янги иш ўринларини тез ташкил этишга қодир. Яъни, кичик корхоналарда ҳар бир иш ўрнига капитал сарфи йирик корхоналардагига нисбатан анча кам бўлади.

Иккинчидан, кичик корхоналар учун капиталнинг куйроқ техник тузилмаси хос. Яъни, кичик корхоналарда йирик корхоналарга нисбатан меҳнат бирлигига ишлатилаётган ишлаб чиқариш воситалари бирлиги кўпроқ тўғри келади.

Учинчидан, кичик бизнес иқтисодий фаол аҳолининг иш билан банд бўлишига маъқулроқдир. Чунки, бу уларга ташаббус кўрсатиш ва ижодий ғояларини амалга ошириш учун кенг имкониятлар яратади.

Тўртинчидан, бевосита кичик корхоналарда иш билан бандликнинг мослашувчан шакллари қўллаш мумкин. Хўжалик юритишнинг бу субъектларидаги тўлиқсиз бўлмаган иш куни ёки ҳафтаси, ўриндошлик, сирпанувчан иш графиги меҳнатга лаёқатли аҳолининг турли тоифалари учун мақбул бўлади.

Бешинчидан, кичик бизнес асосан меҳнат сифими кўп талаб этиладиган тармоқларда жадал ривожланиб, ижтимоий меҳнатни ташкил қилишнинг улкан соҳаси, давлат ва маҳаллий бюджетларга молиявий тушумларнинг муҳим манбаси ҳисобланади.

Аҳоли бандлигини таъминлаш жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим иқтисодий хусусиятларидан бири ҳисобланади ва у иқтисодиётда алоҳида аҳамиятга эга. Ўзбекистонда аҳолини иш билан таъминлашни янада яхшилаш ва фаровонлигини оширишнинг энг муҳим йўналиши сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва касаначилик соҳаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришни рағбатлантириш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида 2011 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан 2010 йил 18 ноябрда ва Сенати томонидан 2010 йил 3 декабрда тасдиқланган.

Дастурни амалга ошириш меҳнат бозорига илк бор кириб келаётган ёшларни, йил давомида алоҳида хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти қисқариши (тугаши) натижасида бўшатиладиган ходимлар, шунингдек ишга жойлашишга муҳтож бўлган ва талаб қилинадиган малака (касб)га эга бўлмаган шахслар бандлигини таъминлаш имконини беради.

Меҳнат бозорида давлатнинг амалга оширадиган сиёсатларидан бири – ижтимоий ҳимоя сиёсатидир. Унга кўра, давлат меҳнат бозорида рақобатдош бўлмаган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларни ишга жойлаштириш бўйича чора-тадбирларни кўзда тутди. Яъни, аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш мақсадида ташкилотларга ижтимоий ҳимояга муҳтож ва иш топишда қийналадиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам миқдори белгиланади. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 августдаги 186-сонли Қарори билан тасдиқланган «Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга

жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ, фуқароларнинг ушбу тоифасига таълим муассасаларини тугатган ёшлар, муддатли ҳарбий хизматдан бўшатишган шахслар, ногиронлар ва жазони ўташ муассасаларидан бўшатишган шахслар киради. Мазкур шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш ходимларнинг рўйхат бўйича ўртача сони 20 нафардан кўпни ташкил этадиган ташкилотлар учун белгиланади.

Қонунчиликка кўра, ижтимоий ҳимояга муҳтож шахслар учун ажратилган меҳнат ўринларига жойлаштириш иш берувчи томонидан туман (шаҳар) Бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказининг йўлланмаси бўйича ёки мустақил равишда амалга оширилади.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик давлат ва жамиятимиз ривожига алоҳида ўрин эгаллайди. Бугунги кунда биз бу соҳани ривожлантирмасдан туриб иқтисодиётимизнинг келажагини таъминлай олмаймиз. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси ички бозоримизни рақобатдош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришда, аҳолини иш билан таъминлаш ва шу аснода уларнинг муносиб даромад топиши, фаровонлигининг ошиб боришига эришишда энг асосий омиллардан бири ҳисобланади ҳамда жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий таянчи ва пойдевори бўлган мулкдорлар синфининг, яъни ўрта синфнинг шаклланиши ва мустақамлланишини таъминлайди. Шунингдек, бу соҳа ҳозирда жамиятимиздаги ижтимоий ва сиёсий барқарорликнинг кафолати ва таянчига, юртимизни тараққиёт йўлидан фаол ҳаракатлантирадиган кучга айланиб бормоқда. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз Президенти Илҳом Каримов томонидан 2011 йил «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб номланди.

Кичик бизнес соҳасининг иқтисодиётдаги аҳамияти унинг иқтисодиётда рақобат муҳитини таъминлаш, йирик корхоналар учун маҳсулот ва хизматлар етказиб бериш, янги иш ўринларини яратиш ва иккиламчи бандликни таъминлаш, бозор тизимининг мослашувчанлигини ошириш, илмий-техникавий инқилобни жадаллаштириш, ресурсларни ишлаб чиқаришга сафарбар этиш, солиқ тушумлари ҳажмининг ўсишини таъминлаш, аҳоли даромадлари даражасини барқарорлаштириш каби омиллар билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Илҳом Каримовнинг 2010 йил 14 декабрдаги Р-3539-сонли “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат Дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг ташкилий чоралари ҳақидаги Фармойишида: кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун янада қулай муҳит яратиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятига давлат ва назорат тузилмаларининг аралашувини кескин камайитириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш тартибини соддалаштириш ва фаолият юритишнинг моддий-техник шарт-шароитларини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига солиқ ва бошқа тўловлар борасида енгилликлар яратиш, ҳисобот топшириш тизимини такомиллаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш механизмни янада такомиллаштириш, кичик бизнесни ривожлантиришга хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, уларининг ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги иштирокини кенгайтириш, илғор илм-фан ютуқларига асосланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кенг йўл очиб бериш, кичик бизнес субъектларига тақдим этилаётган имтиёзлар ва қулай шароитлар тизимини янада ривожлантириш каби устувор йўналишлар белгилаб берилган.

Сўнгги йилларда кичик бизнес субъектларининг мамлакатимизда янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омили сифатидаги натижалари салмоқли бўлиб бормоқда.

Келгусида тармок йўналишларига кўра кичик бизнес субъектлари учун қуйидаги солиқ имтиёзлари белгиланган:

- 2014 йил 1 январгача янгидан ташкил этилаётган таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари солиқларнинг барча турларидан ва айрим мажбурий ажратмаларни тўлашдан озод қилинган;
- 2012 йилнинг 1 январигача гўшт ва сутни қайта ишлашга ихтисослашган микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 50 фоизга камайитирилган, четдан олиб келинадиган технология ускуналари божхона тўловларидан озод қилинган;

- 2012 йилнинг 1 январигача 15 хилдаги ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган микрофирмалар ва кичик корхоналар фойда солиғи, мулк солиғи ва ягона солиқ тўловларидан озод қилинган;

- 2012 йилнинг 1 январигача республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан; ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган ускуналарини импорт қилишда божхона тўловларидан озод қилинган.

2012 йилда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини ошириш комплекс дастурининг бажарилиши туфайли қарийб 1 миллионта янги иш ўрни ташкил этилди. Бу иш ўринларининг 62 фоизга яқини қишлоқ жойларига тўғри келади.

Бу борада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш эвазига 485 минг киши, касаначиликнинг барча шакллари кенгайтириш ҳисобидан эса 218 минг киши иш билан таъминланди.

2012 йилда республикада аҳолининг реал даромадлари 17,5 фоизга ошди, бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендиялар миқдори эса 26,5 фоизга ўсди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 2013 йилда тижорат банклари томонидан жами 6,1 трлн. сўм миқдорида кредитлар ажратилиши прогноз қилинмоқда.

- Жумладан, халқаро молиявий институтлар ва хорижий мамлакатлар ҳукуматларининг имтиёзли кредит линиялари жалб қилишни фаоллаштириш орқали кичик бизнес субъектларини 2013 йилда 110 млн. АҚШ долларидан кам бўлмаган миқдорда молиялаштириш режалаштирилган.

- Ушбу кредит маблағларини ажратишда асосий эътибор кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инвестиция мақсадларига, уларнинг бошланғич капиталини шакллантиришга ҳамда микрокредитлаш кўламини кенгайтиришга қаратилади.

- Шунингдек:

- - узоқ ва бориш қийин бўлган ҳудудларда жойлашган, шунингдек ортиқча меҳнат ресурсларига эга бўлган туман ва шаҳарларда жойлашган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига, деҳқон ва фермер хўжаликларига устувор равишда Тижорат банкларининг имтиёзли кредитлаш фонди маблағлари ҳисобидан кредитлаш ҳажмларини янада кенгайтириш;

- - хизмат ва сервис соҳасини, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни, истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш, шунингдек янги иш ўринларини яратиш бўйича «Микрокредитбанк» АТБ томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган микрокредитлар ҳажмини ошириш;

- - озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарни кредитлаш ҳажмини ошириш билан бир қаторда лизинг, факторинг ва савдони молиялаштириш хизматлари кўламини кенгайтириш;

- - маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларини, жумладан мураккаб маиший техника, мебель ва бошқа маҳсулотларни харид қилиш учун аҳолига истеъмол кредитлари ажратилишини кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилади.

- Шунингдек, 2013 йилни “Обод турмуш йили” деб эълон қилиниши муносабати билан истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, хизмат соҳаси ва сервисни ривожлантириш ҳамда янги иш ўринлари яратиш борасидаги лойиҳаларни кредитлаш кўламини янада оширишга алоҳида эътибор қаратилади.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатда аҳоли бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар қуйидагилардан иборатдир:

- жойлардаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг самарали фаолиятига ҳалакит бераётган, тўсқинлик қилаётган ёки қилиши мумкин бўлган муаммоларни мунтазам равишда ўрганиб бориш ва ўз вақтида бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш;
- ҳудуддаги бўш ёки самарали фойдаланилмаётган бино ва иншоотлар тўғрисидаги аниқ маълумотларнинг қисқа муддатларда олиниши ҳамда уларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тақдим этилиши жараёнларини самарали ташкил этиш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти учун янада қулай муҳит яратиш борасида ҳар бир ҳудуддаги ўзига хос хусусиятларни аниқлаш ва улардан келиб чиққан ҳолда мавжуд барча имкониятларни сафарбар этиш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш йўлидаги ҳар қандай бюрократик тўсиқларни бартараф этиш;
- ҳудуддаги кичик бизнес субъектларининг энергия, газ, сув ва канализация, иссиқлик таъминоти ва бошқа шу каби муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиши жараёнларига эътибор қаратиш ҳамда бу борадаги илғор тажрибаларни қўллаш;
- маҳаллаларда оилавий бизнесни ривожлантириш бўйича мавжуд имкониятлар ва уларни рўёбга чиқариш йўллари аниқлаш, шу асосда оилавий бизнесни ташкил этишнинг намунавий шакллари тавсия этиш ва қўллаб-қувватлаш;
- ҳудудда фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаолият йўналишлари жиҳатидан таркибини такомиллаштириш чора-тадбирларини қўллаш, хусусан, саноат соҳасида, юқори технологияларни талаб этадиган замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил этишда, илғор илм-фан ютуқларига асосланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришнинг турли йўл ва чораларини излаб топиш;
- ҳудуддаги экспортга маҳсулот чиқарувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига аниқ ва таъсирчан ёрдам кўрсатиш орқали уларнинг ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги иштирокини кенгайтириш;
 - инвестиция дастури, маҳаллийлаштириш, тармоқларни модернизациялаш ва ишлаб чиқаришни технологик қайта жиҳозлаш дастурларини амалга ошириш;
 - кичик корхоналар ва микрофирмалар ташкил этиш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш;
 - уй меҳнати ва касаначиликни, энг аввало, корхоналар билан кооперация асосида меҳнат шартномалари бўйича, ҳунармандчиликни ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш;
 - паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик, мева-сабзавот, боғдорчилик ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга ихтисослашган фермер ва деҳқон хўжаликларини ташкил қилиш ва кенгайтириш;
 - ишлаб чиқариш, бозор ва ижтимоий инфратузилмани, жумладан аҳоли яшаш пунктларини ободонлаштириш ишларини кенгайтириш автомобиль ва темир йўлларни, электр, сув ва газ таъминоти объектларини қуриш ва таъмирлаш, телекоммуникация тармоқлари ва иншоотларни кенг қўламда ривожлантириш;
 - вақтинчалик ишламаётган корхоналарнинг, шу жумладан тижорат банклари балансига берилган банкрот корхоналарнинг фаолиятини тиклаш

Касб-ҳунар коллежлари фаолиятидаги энг заиф бўғин ҳисобланган ишга жойлаштириш масаласини ижобий ҳал қилиш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш кўзда тутилган:

1) 9-синф битирувчилари касб-ҳунар таълими билан тўлақонли қамраб олинишини назарда тутган ҳолда, уларни ўқишга қабул қилишни тегишли равишда тартибга солиш.

2) Ўқитувчилар таркибини тайёрлаш сифати ва уларнинг малакасини ошириш масаласига алоҳида аҳамият қаратиш.

3) Касб-ҳунар коллежларини тамомлаб чиқаётган битирувчиларни ишга жойлаштириш.

Шу билан бирга, бугунги кунда касб-ҳунар коллежларини тамомлаб чиқаётган битирувчиларни ишга жойлаштириш масаласини ижобий ҳал қилиш мақсадида корхоналарда квота иш ўринларини шакллантирилмоқда; меҳнат органлари касб-ҳунар коллежлари билан мунтазам равишда ҳамкорликда иш олиб бормоқда; касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини

ишга жойлаштириш ва улар меҳнатидан самарали фойдаланишга қаратилган ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилмоқда.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вилоятлар, туман ва шаҳарлар ҳокимликлари билан биргаликда ҳар бир туман ва шаҳар бўйича коллежларнинг битирувчиларини ўз мутахассислигига мувофиқ иш билан таъминлаш юзасидан аниқ мақсадли режаларни тайёрламоқда ва уларни амалга оширмоқдалар.

Республикада касб-ҳунар коллежларининг иш берувчилар билан маркетинг ёндашувлари асосида ўзаро алоқаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шундай қилиб, бандликнинг ноанъанавий шакллари – қасаначилик, уй меҳнати, оилавий бизнес, хизмат кўрсатиш ва қорамолчилик каби фаолият турлари билан шуғулланиш ҳамда ўз-ўзини иш билан таъминлашни рағбатлантириш Ўзбекистонда мавжуд меҳнат салоҳиятидан фойдаланишнинг асосий йўлларида биридир.

Шундай қилиб, республикада меҳнатга лаёқатли аҳолининг бандлигини таъминлаш мақсадида қатор ижобий тадбирлар амалга оширилмоқда. Меҳнатга лаёқатли аҳолини янги иш ўринлари билан таъминлаш, иқтисодиётимиз учун истиқболли ва зарур бўлган тармоқлар учун янги касблар ва мутахассисликларга ўқитиш, малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш муҳим ўрин эгаллайди.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. O'zbekiston Respublikasi Qonunlari:

1. O'zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi. - T.: «O'zbekiston», 2010.
2. “Aholini ish bilan ta'minlash tўғrisida” Ўзбекистон
3. Республикасининг 1992 йил 13 январдаги 510-XII-сон Қонуни.
4. “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида” Ўзбекистон
5. Республикасининг 1993 йил 3 сентябрдаги 938-XII-сон Қонуни.
6. “Aholini ish bilan ta'minlash tўғрисида” Ўзбекистон Республикаси
7. Қонунининг 1998 йил 1 майда тасдиқланган янги таҳрири (616-I-сон Қонун).
8. “Бюджет тизими тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги 158-II-сон Қонуни.
9. “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”
10. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 2 декабрдаги 702-II-сон Қонуни.

2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Qaror va Farmonlari:

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси давлат мулкни бошқариш ва хусусийлаштириш қўмитасини ташкил қилиш тўғрисида" 1992 йил 10 февралдаги ПФ-337-сон Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузурида давлат мулки Жамғармасини ташкил этиш тўғрисида" 1992 йил 7 сентябрдаги ПФ-471-сон Фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасини ташкил қилиш тўғрисида” 1994 йил 7 февралдаги ПФ-758-сон Фармони.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Дехқон ва фермер хўжаликларини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш ҳамда мамлакатни озиқ-овқат билан таъминлашда уларнинг ролини кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида” 1997 йил 18 мартдаги ПФ-1737-сон Фармони.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб Жамғармасини ташкил этиш тўғрисида” 1998 йил 31 декабрдаги ПФ-2165-сон Фармони.
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари куриш ва улардан фойдаланишни бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” 2003 йил 19 августдаги ПФ-3292-сон фармони.
17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2009 йил 30 декабрдаги ПФ-4161-сон Фармони.

3. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining qarorlari:

11. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi majlisining qarori. 2012 yilda ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish yakunlari hamda 2013 yilda iqtisodiy islohotlarni chuqurlashtirishning eng muhim ustuvor yo'nalishlari to'g'risida // Xalq so'zi, 2013 yil 18 yanvar.
12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Иш билан таъминлашга қўмаклашиш республика жамғармасини ташкил этиш тўғрисида” 1992 йил 31 декабрдаги 606-сон Қарори.
13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасини бошқаришни янада такомиллаштириш тўғрисида” 2004 йил 21 октябрдаги 490-сон Қарори.
14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ижтимоий суғурта жамғармасини ташкил этиш тўғрисида” 1993 йил 4 августдаги 391-сон Қарори.
15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги хузурида Пенсия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида” 1996 йил 27 декабрдаги 459-сон Қарори.

16. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2002 йил 1 апрелдаги 21-сон буйруғи билан тасдиқланган “Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида Низом” (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2003 йил 20 майда 1136-1-сон билан рўйхатга олинган).

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 апрелдаги 173-сон қарорига 1-илова “Ўзбекистон Республикаси Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида Низом”.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Республика йўл жамғармасини ташкил этиш тўғрисида” 1993 йил 5 июлдаги 334-сон Қарори.

19. “Аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш марказларида фуқароларни рўйхатдан ўтказиш, ишга жойлаштириш, ишсизлик нафақасини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низом. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1999 йил 13 октябрда 831-сон билан рўйхатга олинган.

20. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат активларини сотиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2009 йил 29 январдаги 27-сон Қарори.

4. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti asarlari.

21. Karimov I.A. Jahon moliyaviy-iqtisodiy inqirozi, O'zbekiston sharoitida uni bartaraf etishning yo'llari va choralari / I.A.Karimov. – T: O'zbekiston, 2009. – 56 b.

22. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Islom Karimovning 2012-yilda mamlakatimizni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish yakunlari hamda 2013-yilga mo'ljallangan iqtisodiy dasturning eng muhim ustuvor yo'nalishlariga bag'ishlangan Vazirlar Mahkamasining majlisidagi ma'ruzasi // Xalq so'zi, 2013 yil 18 yanvar.

23. Karimov I.A. Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch. – T.: «Ma'naviyat», 2008. – 176 b.

24. Karimov I.A.. «Bank tizimi, pul muomalasi, kredit, investisiya va moliyaviy barqarorlik to'g'risida» T.“O'zbekiston” 2005.

25.Karimov I.A. Bizning bosh maqsadimiz – jamiyatni demokratlashtirish va yangilash, mamlakatni modernizatsiya va isloh etishdir. T.: “O'zbekiston”, 2005.

26.Karimov I.A. Mavjud imkoniyat va resurslardan oqilona foydalanish – taraqqiyot omili. - T.: “O'zbekiston”, 2004.

27.Karimov I.A. Iqtisodiyotni erkinlashtirish va islohotlarni chuqurlashtirish – eng muhim vazifamiz. T.: “O'zbekiston”, 2000.

5. Darsliklar.

28. Турсунов Й., Шоимхонов З. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи. Дарслик. – Т.: ТДЮИ, 2003.

Beloglazova G.N. Dengi, kredit, banki: Uchebnik/ - Moskva.: "YUrayt", 2006. - 621s.

29. Ваҳобов А., Қосимова Г. Давлат молиясини бошқариш. Ўқув қўлланма. - Т.: Иқтисод-молия, 2008. -287б.

30. Jarkovskaya E.P. Bankovskoe delo: Uchebnik/ E.P. Jarkovskaya. - M.: Omega-L, 2006.-452 s.

31. Lavrushin O.I.,Afanaseva O.N., Kornenko S.L. Bankovskoe delo: sovremennaya sistema kreditovaniya. - M.: KNORUS, 2006.-256 s.

32. Lavrushin O.I.“Dengi,kredit i banki”.Ucheb. M. “Knorus” 2007.-320 s.

6. O'quv qo'llanmalar.

33. Bekmurodov A.SH., G'afurov U.V. O'zbekiston – iqtisodiyotni modernizatsiyalash hamda islohotlarni chuqurlashtirishning yangi va yuksak bosqichi yo'lida: O'quv qo'llanma. – T.: «Iqtisodiyot» nashr, 2008. – 128 b.

34.Ваҳобов А., Қосимова Г., Жамолов Х. Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлиги. Ўқув қўлланма. –Т.: Иқтисод ва молия, 2005.

35. Турсунов Й., Усманова М.А. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮИ, 2004.

36.Қосимова Г.А. Давлат бюджети ижросининг ғазначилик тизими. Ўқувқўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2008. 372 бет

7. Ilmiy monografiyalar, maqolalar.

37. Xodiev B.Yu., SHodmonov SH.SH., G'afurov U.V. Iqtisodiyotning yetakchi tarmoqlarini modernizatsiya qilish va yangilashning ilmiy va nazariy asoslari. Ilmiy-ommabop risola. – T.: TDIU, 2008. – 57 b.
38. SHodmonov Sh., G'afurov U. Bozor iqtisodiyoti asoslari. Ilmiy-ommabop nashr. – T.: tdiu, 2007. – 75 b.
39. Маликов Т.С., Жалилов П.Т. Бюджет-солиқ сиёсати. – Т.: Академнашр, 2011. – 472 б.
40. Жўраев А.С. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг самарали йўллари. – Т.: Фан, 2004. – 243 б.

8. Gazeta va jurnallar.

41. «Xalq so'zi» gazetasi.
42. «Bozor, pul va kredit» jurnali.
43. «Iqtisodiyot va ta'lim» jurnali.
44. «O'zbekiston iqtisodiy axborotnomasi» jurnali.
45. Jurnal «Ekonomicheskoe obozrenie».

9. Statistik ma'lumotlar to'plamlari.

46. O'zbekiston Respublikasi Davlat Statistika Qo'mitasi. O'zbekiston Respublikasining 2012 yil statistik axborotnomasi, T., 2013.
47. O'zbekiston Respublikasi Davlat Statistika Qo'mitasi. O'zbekiston Respublikasining 2011 yil statistik axborotnomasi, T., 2012.
48. O'zbekiston Respublikasi Davlat Statistika Qo'mitasi. O'zbekiston Respublikasining 2010 yil statistik axborotnomasi, T., 2011.

10. Internet saytlari.

49. www.stat.uz – O'zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo'mitasining rasmiy sayti.
50. <http://www.pfru.uz> – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси расмий веб сайти
51. www.uza.uz – O'zbekiston Respublikasi Milliy Axborot Agentligi rasmiy sayti.
52. www.mehnat.uz – O'zbekiston Respublikasi Mehnat va aholini ijtimoiy himiya qilish vazirligining rasmiy sayti.